

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.29.06.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН ФАН
ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ЯХШИЕВ АШУР АБДИЕВИЧ

**НЕМИС ТИЛИ ОҒЗАКИ НУТҚИ ТИЗИМИДА ФРАЗЕОЛОГИК
БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК-ДИСКУРСИВ МАҚОМИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

ЎУК: 8(075) (Нем)
КБК: 833 (0) 9
М-95

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
филилогических наук (DSc)**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philological
Science (DSc)**

Яхшиев Ашур Абдиевич

Немис тили оғзаки нутқи тизимида фразеологик бирликларнинг
семантик-дискурсив мақоми 3

Яхшиев Ашур Абдиевич

Семантико-дискурсивный статус фразеологических единиц в системе
немецкой разговорной речи 33

Yakhshiev Ashur Abdievich

The semantic-discursive status of phraseological units in the system of oral
speech in German 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 70

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.29.06.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН ФАН
ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ЯХШИЕВ АШУР АБДИЕВИЧ

**НЕМИС ТИЛИ ОҒЗАКИ НУТҚИ ТИЗИМИДА ФРАЗЕОЛОГИК
БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК-ДИСКУРСИВ МАҚОМИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Fil110 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdchti.uz ҳамда "ZiyoNet" ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сафаров Шахриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бушуй Татьяна Анатольевна
филология фанлари доктори, профессор

Умарходжаев Мухтар Ишанхаджаевич
филология фанлари доктори, профессор

Садиков Зоҳид Якубжанович
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Миллий университети


Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.29.06.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли илмий кенгаш асосида тузилган фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг "17" XI 2021 йил соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел:(99866) 233-78-43; факс: (99866) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz. Самарқанд давлат чет тиллар институти бош биноси.


Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел:(99866) 233-78-43.

Диссертация автореферати 2021 йил "9" декабрь кuni тарқатилди.
(2021 йил "9" 12 даги 10 рақамли реестр баённомаси).




Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф.д., доцент


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий жаҳон тилшунослигининг муҳим вазифаларидан бири нутқий мулоқот ва матн ҳосил бўлиш жараёнида луғат фондининг (лексик ва фразеологик бирликларнинг) қўлланилиши билан боғлиқ ўта мураккаб масалаларнинг ечимига йўналтирилган янги ёндашувларни ишлаб чиқишдир. Бу жиҳатдан фразеология тилшунослик фанининг тинимсиз, доимий ривожланаётган бўлимларидан биридир. Фразеологик бирликларнинг хусусиятлари ва ҳосил бўлишини, фразеологик маъно мақоми ва табиатини аниқлаш, уларнинг синонимик, антонимик, вариантлашув ва бошқа жиҳатларини тадқиқ қилиш, бу бирликларнинг парадигматик-синтактик муносабатларини ва тузилишини таҳлил қилиш ҳамда ҳар хил функционал услубдаги матнларда уларнинг фаоллашув имкониятларини аниқлаш соҳадаги етакчи йўналишлардан ҳисобланади. Ушбу соҳада синчковлик билан ўрганилиши ва бир тўхтамга келишни талаб қилувчи муаммолар етарлича, хусусан, фразеологик бирликларнинг коммуникатив-прагматик аспектларини аниқлаш, уларнинг коммуникатив имкониятларини белгилаш ва шунингдек, нутқий фаолият жараёнида уларни моделлаштириш муаммолари, шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда дунё тилшунослигида фразеологик бирликларнинг ёзма ва оғзаки нутқнинг турли жанрларида фаоллашуви масаласи долзарбланиб келмоқда. Зотан, миллий тилларнинг, шу жумладан, немис тилининг ҳам ўзига хос жиҳатлари намоён бўладиган фразеологизмларнинг формал-семантик моделларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш зарурати мавжуд. Ҳозирги замон тилшунослигининг муҳим йўналишларидан бири фразеологизмларнинг структур-семантик ва когнитив-дискурсив хусусиятлари муносабатини ўрганишдир. Бундан ташқари, фразеологизмларнинг барча лингвистик ва социомаданий жиҳатларининг матнда тизимли акс этиши назарий ва амалий тилшуносликнинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ўтказилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар маданиятлараро мулоқот воситаси ривожини бўлган тил таълими ва тадқиқи учун катта аҳамият касб этади. Айни дамда илм-фаннинг барча тармоқларидаги каби ўзбек германшунослигида ҳам тубдан ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Назарий тилшунослик соҳасида, чет тилларни ўрганишда амалий кўникмаларни такомиллаштиришнинг илмий асоси сифатида лисоний тузилмаларнинг функционал тавсифларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Илм-фан ривожининг илғор ютуқларига таянган ҳолда "... илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятнинг ютуқларини рағбатлантириш, илмий ва инновацион фаолиятнинг ютуқларини амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш"¹га катта эътибор берилмоқда. Белгиланган вазифалар ушбу жараённинг амалга оширилишида

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, //Халқ сўзи, 2017йил, 8-февраль.

муҳим бўлган немис тили сўзлашув нутқида фразеологик конструкцияларнинг шаклланиш омилларини чуқур таҳлил этишни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси ва Германия ўртасидаги келишувлар илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорликнинг янги истиқбол ва йўналишларини очиб беради, хусусан, мулоқот жараёнининг дискурсив ва прагматик параметрларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу илмий тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8-октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 21-октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тили давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубда ошириш чора тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10-декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20-апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Фразеологик тизимнинг фанлараро ва дискурсив хусусиятлари жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиши маълум илмий натижаларга эришишга олиб келди, хусусан, Cambridge University (Буюк Британия), Lancaster University (Буюк Британия), University of Edinburgh (Буюк Британия), Barcelona University (Испания), University of Copenhagen (Дания), University of Edinburgh (Шотландия), Ohio State University (АҚШ), Vrije Universiteit Brussel (Белгия), University of Bern (Швейцария), Humboldt Universität Berlin (Германия), Freie

²Маълумотлар университетлар веб-сайтларидан олинган: <https://www.ca.ac.uk/>, <https://lancastersu.co.uk/>, <https://www.ub.edu/web/ub/en/>, <https://www.utoronto.ca/>, <https://www.niche.com/colleges/new-york-university/>, <https://www.vub.be/en/home>, <https://aku.edu.tr/anasayfa/eng/index.htm>, <https://www.ku.dk/english/>, <https://linguanet.ru/en/>, <https://uzbek.org.uk/usuwl/>, <https://www.navoiy-uni.uz/en/site/index>

Universität Berlin (Германия), Friedrich Schiller Universität Jena (Германия), Universität Leipzig (Германия), Москва давлат тилшунослик университети, Москва давлат университети, РФА тилшунослик институти (Россия), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети, Ўзбекистон Миллий университети, Андижон давлат университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Бухоро давлат университети (Ўзбекистон) каби илмий муассасаларда турли тилларнинг фразеологик захираси ривож ва нутқий фаоллашувига оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жумладан, дискурсив тадқиқотларнинг фанлараро ҳарактер-хусусиятлари ўрганилган (Cambridge University), мулоқот жараёнида фразеологик бирликлар қўлланишининг когнитив, прагматик жиҳатлари аниқланган (Lancaster University, Goethe Universität Frankfurt am Mein), дискурсининг прагматик мақсади ва вазифалари кўрсатилган (Barcelona University), фразеологик бирликлар шаклланишининг социолингвистик жиҳатлари кўриб чиқилган (University of Toronto), ҳар хил услубларда фразеологик бирликлар фаоллашувининг ўрганилиш зарурати асосланган (University of Copenhagen, Georg August Universität Göttingen), сўзлашув нутқининг лисоний ва нолисоний белгилари таҳлил қилинган (Ohio State University), танқидий дискурс таҳлил тамойиллари аниқланган (Vrije Universiteit Brussel, University of Bern), фразеошаклланиш жараёнида референт танлаб олиш тамойиллари ишлаб чиқилган (Oxford University), оғзаки дискурсининг семантик-стилистик аспекти таҳлил қилинган (Friedrich Schiller Universität Jena), дискурсда фразеологик элементлар фаоллашuvi кўриб чиқилган (Johan Guttenberg Universität Mainz), диалогик дискурсининг прагматик кўрсаткичлари аниқланган (Jamia Millia Islamia Central University, New Delhi), фразеотизимнинг лингвомаданий ва стилистик аспекти ўрганилган (Москва давлат тилшунослик университети ва Ўзбекистон Миллий университети), фразеологик бирликларнинг прагматик-структур жиҳатлари ва матн ҳосил қилиш имконияти таҳлил қилинган (Москва давлат университети ва Самарқанд давлат университети), антропоцентризм нуқтаи назаридан дискурс ва шахснинг боғлиқлиги ўрганилган (РФА Тилшунослик институти, Бухоро давлат университети), фразеография муаммолари ёритилган (Андижон давлат университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фразеологиянинг лингвистик фан сифатида шаклланиши тарихан француз олими Ш. Балли³ номи билан боғланган. Фразеология назариясининг ривожланишига рус тилшунос олимлари В.В. Виноградов, Н.М. Шанский, А.М. Бабкин, И.И. Чернышева, А.В. Кунин, А.Д. Райхштейн⁴, немис тилшунослари Г.Бургер, Э.Доналис,

³ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. –М.: Эдиториал, 2001. –416 с.

⁴ Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке. –М.: Наука, 1974. –С. 340-364; Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. –М.: Учпедгиз, 1969. –315 ч.; Кунин А.В. курс фразеологии современного английского языка. –М.: Высшая школа, 1996. –115 с.; Бабкин А.М. Русская фразеология ее развитие и источники. Л.: Наука, 1970.-263 с.; Чернышева И.И.Фразеология современного немецкого языка.-М.: Высшая школа, 1970. -199 с.; Райхштейн А.Д. Сопоставительный анализ немецкой и русской фразеологии. –М.: Высшая школа, 1980. -143 с.

В.Флайшер⁵, ҳамда Ўзбекистон олимлари Ш.Раҳматуллаев, М.Э. Умархўжаев, Л.И. Ройзензон, А.М.Бушуй, А.Э. Маматов, Б. Йўлдошев, Ғ.Саломов ва бошқалар⁶ улкан ҳисса қўшганлар.

Фразеология мустақил лингвистик фан сифатида замонавий тилшуносликда ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашда давом этмоқда. Тилнинг фразеологик объектига дифференциал ёндашувга мос равишда фразеология фанининг фразеология семантикаси ҳамда фразеологиянинг луғавий воқеланиши тамойиллари шаклланиши ва самарали ривожланиши масалалари чуқуқ таҳлил қилинмоқда⁷.

Замонавий тилшуносликда фразеологиянинг миллий-маданий ва гендер хусусиятлари муаммоларига бағишланган тадқиқотлар олиб борилмоқда, турғун сўз бирикмалари шаклланишининг когнитив-прагматик аспекти ўрганилмоқда⁸.

Замонавий фразеологиянинг самарали ривожланаётган йўналишларидан бири сифатида, одатда, фразеологик бирликларнинг оғзаки нутқдаги ўрнини таҳлил қилиш, ҳар хил жанрдаги (бадий, публицистик, илмий, эпистоляр ва бошқа) матнларда фразеологик бирлик ёки турғун сўз бирикмасининг роли, фразеологиянинг лингвопрагматик мақомини аниқлаш ҳисобланади⁹.

Матншунослик ва сўзлашув нутқ назариясининг жадал тараққиёти натижасида турғун сўз бирикмаларининг матн ҳосил қилиш имкониятлари уларнинг стилистик белгилари, мулоқот жараёнидаги фаоллиги ва бошқалар ҳақида маълумотлар тўпланиб бораверади¹⁰. Шунинг билан бирга, сўзлашув

⁵ Burger H. Phraseologie: eine Einführung am Beispiel des deutschen. –Berlin: Schmidt, 1998. -334 S.; Donalies E. Basiswissen Deutsche Phraseologie. –Tübingen: Narr Francke Attempto Verlag, 2009. -301 S.; Fleischer W. Phraseologie der deutschen Gegenwartssprache. –Tübingen: Niemeyer, 1997. -339 S.

⁶ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. –Т.: Фан, 1966. -131 б.; Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. –Т.: Фан, 1983. -133 с.; Ройзензон Л.И., Малиновский Е.А., Халотин А.Д. Очерки истории становления фразеологии как лингвистической дисциплины. –Самарканд, 1975. –С. 8-70; Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. –Т. Фан, 1991; Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеологиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. –Самарканд: СамДУ, 2013. -116 б.

⁷ Умарходжаев М.И. Очерки по современной фразеологии. –Т.: Фан, 1977. -103 с.; Умарходжаев М.И. Современные проблемы фразеологии // Вопросы языкознания. –М., 1979. №6. –С.48-55; Умарходжаев М.Э. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси. –Андижон: АДТПИ, 2010. -150 б.; Бушуй А.М. Основы теории контрастной лексикографии (в ракурсе фразеологии). –Т.: Фан, 2001. –С.10-16; Современная фразеология: тенденции и инновации. (коллективная монография). –М.-Брянск: Новый проект, 2016. -200 с.

⁸ Dobrovolskij D., Pirainen E. E. Zur Theorie der Phraseologie: Kognitive und kulturelle Aspekte. –Tübingen: Skanffenberg, 2009. -298 S. Dureo P. Probleme der allgemeinen und kontrastiven Phraseologie. Am Beispiel Deutsch – Slowakisch. –Heidelberg: Gross, 1994. -294 S. Алиференко Н.Ф. Когнитивно-прагматические потоки фразеосемиозиса. –М.: Флинта, 2018. -192 с.; Н.З.Насруллаева. Гендерные концепты в английской и узбекской фразеологии. –Т.: Фан ва технологиялар, 2018. -144 с.; Насиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари. Филол. Фанлари докт. Дисс. Авторефераты. –Т., 2016; Халиков М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине (на материале русского и узбекского языков). Автореф. Дисс ... канд. филол. наук. –Т., 1999.- 26 с :

⁹ Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996. -288 с.; Мальцева Д.Г. Страноведение через фразеологизма (пособие по немецкому языку). –М.: Высшая школа, 1991. -172 с.; Kühn P. Pragmatische Phraseologie // Tendenzen der Phraseologieforschung. EUROPHRAS 92. –Bochum: Brommeyer, 1994. –S. 411-428.

¹⁰ Wotjak B. Verbale Phraseolexeme in System und Text. –Tübingen: Max Niemeyer, 1992. -278 S.; Faro K. , Hallsteindottir E. Neue theoretische und methodische Ansätze in der Phraseologieforschung // Linguistik online, 2006. 276. –S. 3-10. www.linguistik-online.de / 27.06.

матнларида турғун сўз бирикмаларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар етишмаслиги фразеологиянинг кейинги назарий ривожланишида кўп ҳолларда тўсқинлик қилмоқда. Маълум бир асарнинг ёки бир муаллифнинг фразеологияси устида тадқиқот олиб боришдан ҳар хил муаллифлар томонидан яратилган маълум бир кўринишдаги матнлар фразеологиясининг кенг таҳлилига ўтиш зарур¹¹. Фразеологияни илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, шунингдек, замонавий тилшуносликнинг ривожланишида муҳим роль ўйнаётган нутқий фаолиятда инсон омили муаммосини батафсил ишлаб чиқиш анъаналарини инобатга олиш талабларини ҳам юзага келтиради.

Бироқ, сўзлашув нутқи фразеологиясини функционал хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганиш ҳозирга қадар изчиллик билан бажарилмаган. Ҳақиқатда эса, шунга оид маълумотлар коммуникатив лингвистиканинг ривожини учун катта қизиқиш уйғотади.

Тилнинг фразеологик иборалари ўзига хос прагматик хусусиятларга эга. Маълум бир муаллифга ёки жанрга хос бўлган матнларда фразеологик бирликларнинг ишлатилиши ҳақидаги маълумотларга эътиборни қаратиш, авваламбор, умумий тил назариясини бойитувчи объектив натижаларга эришишга имкон беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Дискурсни когнитив, прагматик ва социолингвистик ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади немис тили прозаси (асосан диалогда) ва драмаларида сўзлашув нутқида қўлланиладиган ҳозирги замон немис тили фразеологиясини тизимли тавсифлашдан иборат, бунда асосий эътибор уларнинг диалогик нутқда матн ҳосил қилишдаги концептуал, структур ва семантик-функционал хусусиятларига ҳамда, деривацион ривожланган фразеогуруҳларга қаратилади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

немис тили прозаси ва драмаларининг сўзлашув матнига хос бўлган фразеологик бирликлар жамланмасини аниқлаш;

проза ва драма матнлари диалогларида фразеологик бирликларнинг қўлланилиши ва ҳосил бўлишида намоён бўладиган деривация қонуниятларини тавсифлаш;

диалогик нутққа хос турғун сўз бирикмаларининг фразеологик бирликлараро муносабатларини кўрсатиш;

фразеологик бирликларнинг турли-туман семантик-структур ва функционал турларининг диалогик матнларда фаоллашувини таъминловчи омилларни тизимлаштириш;

¹¹ Backman G. Meaning by Metaphor: An Exploration of Metaphor with a Metaphoric Reading of two Short Stories by Steven Grane. –Uppsals: (Acta Universitatis Upsaliensis. Studia Anglistika Upsaliensia; 75), 1991. -203 p.

сўзлашув нутқи фразеологиясининг семантик-стилистик мақомини белгилаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳозирги замон немис прозаси ва драмаларидаги сўзлашув нутқиға хос бўлган фразеология танлаб олинган (диалогик контекстлар маълумотлари асосида)

Тадқиқотнинг предмети немис тили проза ва драмалари оғзаки нутқиға хос турғун сўз бирикмаларининг фразеологик шаклланиш ва стилистик-функционал мақомини белгилашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари диссертация ишида тил материаллари таҳлили куйидаги усулларни қўллаш орқали бажарилган: тавсифий, статистик (аниқ ҳисоблаш билан боғлиқ метод), қиёсий-таққослаш (ҳар хил муаллифларнинг асарларидаги сўзлашув нутқ фразеологиясини ўрганишда). Бундан ташқари, матндаги маълумотлар таҳлили фразеологик бирликларнинг луғат кодификациясига солиштирилган. Шунинг билан бирга, диссертация ишида диалогик нутқ шароитида фразеологик бирлигини ва унинг семантик-стилистик ифодаланишини ҳисобга олган ҳолда фразеологик бирликларнинг имплицит-эксплицит трансформациялари изчиллик билан таҳлил қилинади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат.

ҳозирги замон немис тили сўзлашув нутқининг асосий тизимли дискурсив таҳлил қилинган турлари фразеологик фонди аниқланган;

оғзаки нутқ фразеологик бирликларининг типологияси ҳозирги замон немис тили фразеологиясининг лексико-грамматик гуруҳларига оид турлари фаоллашуви асосида шакллантирилиши исботланган;

сўзлашув нутқ фразеологиясининг тизимли ривожланиши фразеологик бирлик қолипланиши ва уларнинг образли-семантик мазмунининг янгиланиши, имплицит ва эксплицит муносабатлар ўртасидаги ўзаро фарқли, кескин динамик қарама-қаршиликлар ечими натижасида юзага келиши очиқ берилган;

диалогик нутқнинг дискурсив-коммуникатив характердаги фаол фразеологик бирликлари ўз фразеологик ёки унинг бир қисми билан жонли синтактик конструкциялар (предлог-от, сифат-от, феъл-от, от-от каби эргашган ва тенг боғланишлар) асосида юзага чиқиши исботланган;

оғзаки дискурс сатҳида фразеологик бирликларнинг бевосита мулоқот вазиятида воқеланадиган коммуникатив хусусиятлари аниқланиб, уларнинг мулоқот муҳити талабларидан келиб чиқиб прагматик мазмунни шакллантириши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

оғзаки нутқ фразеологик таркибининг мажмуавий тавсифлаш механизми таклиф қилинган, бу эса нутқий фаолиятда тил бирликларининг мавжуд бўлиш тамойиллари таҳлили доирасида ўта муҳимдир;

фразеологик бирликларнинг коммуникатив-прагматик компонентлар бўйича таснифи ва таҳлил методикаси ишлаб чиқилган;

тилнинг ижтимоий-амалий вазифаси нуқтаи назаридан, яъни унинг коммуникатив актлардаги хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган ёндашув фразеология соҳаси тадқиқини такомиллаштириши исботланган;

оғзаки нутқ формулалари немисча-ўзбекча луғатининг электрон шакли яратилган;

сўзлашув нутқи фразеологизмларининг кенг тарқалган дифференциал-дискурсив белгилари бўлган турғунлик, семантик яхлитлик, вариантлик, экспрессивлик ва стилистик ранг-баранглиги кабилар аниқланган ва тизимлаштирилган;

дискурсив тузилмаларнинг таҳлили лисоний, прагматик, лингво-маданий омилларнинг ўзаро боғланишида лисоний шахснинг ижодий фаолияти ақс этишини кўрсатувчи категориал тушунчаси татбиқида оғзаки нутқнинг таҳлили кенгайтишига мос келади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий лингвистикада фойдаланилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилиши бу соҳада бажарилган олдинги тадқиқотларнинг назарий мазмунининг танқидий ўрганилганлиги, катта ҳажмдаги таҳлил қилинган факталогик материалдан фойдаланилганлиги, тадқиқот натижалари ишнинг назарий мазмунига мослиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Фразеологияни илмий нуқтаи назардан ўрганиш муаммоси, шубҳасиз, умумназарий аҳамият касб этгани каби, амалий аҳамиятга ҳам эга. Бадиий асарлардаги (авваламбор прозанинг) диалогик нутқ фразеологик фондини билмасдан туриб сўзлашув тили (ўрганилаётган чет тилининг, қолаверса она тилининг ҳам) амалий курсини яратиш бўйича объектив тавсияларни ишлаб чиқишнинг иложи йўқ. Диалогик нутқ (монолог, полилог) фразеологиясининг маълумотларисиз сўзлашув нутқ фразеологияси назарияси тўлақонли бўла олмайди. Шунингдек, сўзлашув нутқида турлитуман фразеологик бирликларнинг қўлланилиш миқдори, уларнинг семантик, стилистик кўриниши ва синтактик хусусиятларининг хилма-хиллиги янада қатъий равишда тил фразеологик сатҳини тадқиқини жадаллаштиради ва бойитади.

Диалогик нутқ фразеологиясининг мажмуавий тавсифланиши тил фразеологик системаси ҳақидаги мавжуд назарий тасаввурларимизни аниқлаштириш ва чуқурлаштириш имконини беради

Диалогик нутқ фразеологиясининг маълумотларига мурожаат фразеологик бирликлар типологиясини ўрганиш ва аниқлашга, айниқса, унинг функционал ва матн ҳосил қилиш фаоллигини кўрсатишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот материаллари олий ўқув юртларида умумий тилшунослик, фразеология, фразеография, стилистика, матн талқини, матн тилшунослиги, лингвопрагматика, лингвомаданиятшунослик соҳаларига оид дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг ёзилишида ҳамда лингвистик луғатларни тузиш, маъруза ва семинар дарслари ўтказилишида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сўзлашув нутқ фразеологик бирликлари семантик-стилистик, прагматик, дискурсив ва

маданий тадқиқ этиш жараёнида олинган назарий ва амалий натижалари асосида:

ОТ-Ф8-062 рақамли "Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари" номли фундаментал лойиҳада немис тили оғзаки нутқида фразеологик бирликларнинг семантик-дискурсив мақомини белгилаш, фразеологик бирликларнинг хусусиятларини ва ҳосил бўлишини, фразеологик маъно мақоми ва табиатини аниқлаш, фразеологик бирликларнинг синонимик, антонимик, вариантлашув ва бошқа жиҳатларини тадқиқ қилиш, бу бирликларнинг парадигматик-синтактик муносабатларини ва тузилишини таҳлил қилиш ҳамда ҳар хил функционал услубдаги матнларда уларнинг фаоллашув имкониятларини аниқлаш ва улардаги муносабатларнинг тизимли-семантик томонларини ўрганиш, оғзаки нутқ билан боғлиқ концептуал тамойиллар ва тадқиқот методлари жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28-августдаги 88-03-2982-сон маълумотномаси). Натижада, оғзаки нутқ фразеологик бирликларининг таснифи ва таърифлари ишлаб чиқилган;

И-204-4-5 рақамли "Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш" номли инновацион лойиҳада фразеологик бирликларнинг ёзма ва оғзаки нутқнинг турли регистрларида фаоллашуви, миллий тилларнинг, шу жумладан, немис тили фразеологиясининг ўзига хос ҳосил бўлиш кўрсаткичлари, фразеологизмларнинг формал-семантик моделларини ишлаб чиқиш, фразеологизмларнинг барча лингвистик ва социомаданий жиҳатларини тизимли ақс этишига оид материаллардан фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28-августдаги 88-03-2982-сон маълумотномаси). Натижада, "Немис тили лексикологияси", "Немис тили фразеологияси", "Таржима назарияси ва амалиёти" фанларидан ўқув адабиётлари яратиш имкониятлари кенгайган;

ОТ-Атех-2018-519 "Компьютер имитацион моделлар асосидаги виртуал ресурсларни веб иловасини дастурий таъминотини яратиш" номли амалий лойиҳада оғзаки нутқ фразеологиясига хос ўта муҳим хусусиятлар, фразеологик бирликлар семантик-образли қисмининг барқарор сақланишига хизмат қилиши, бундан ташқари, тавтологик фразеологик бирликлар моделлари асосида нафақат фразеологик бирликлар, балки кўплаб клишелар ёки синтактик эркин курилмалар юзага келиши натижасида таржимонларнинг касбий компетенциясини ривожлантириш усулларидан фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28-августдаги 88-03-2982-сон маълумотномаси). Натижада, синхрон таржимонлар учун оғзаки нутқ формулалари ва фразеологик бирликлар руйхати шакллантирилган;

Европа Иттифоқи ҳомийлигидаги Эрасмус + дастурининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMEP: "Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини

модернизациялаш ва халқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳаси доирасида ўқитувчиларнинг лингвистик ва коммуникативлик қобилиятини ошириш, тилшунослик асослари билимини ошириш ҳамда таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш ва халқаролаштириш мақсадида яратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда янги ёндашувлар сифатида мазкур тадқиқот ишидаги таҳлил натижаларидан фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2020 йил 12-августдаги 1260/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада, лингвистик таҳлилга тортилган оғзаки нутқ формулалари, фразеологик бирликлар “Қисқача немисча-ўзбекча фразеологик луғат” ни амалий жиҳатдан бойитишга хизмат қилган;

илмий-тадқиқот иши натижалари 5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (немис тили), 5111400-Хорижий тил ва адабиёти (немис тили), 5120200-Таржима назарияси ва амалиёти (немис тили) бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда 5A120102-Лингвистика (немис тили), магистратура мутахассисликларининг малака талабларига сингдирилган; немис тили прозаси ва драмаларининг сўзлашув нутқига хос бўлган фразеологик бирликлар жамланмасини аниқлаш, проза ва драма матнлари диалогларида фразеологик бирликларнинг қўлланилиши ва ҳосил бўлишида намоён бўладиган деривация қонуниятларини тавсифлаш, диалогик нутққа хос турғун сўз бирикмаларининг фразеологик бирликлараро муносабатларини кўрсатиш, фразеологик бирликларнинг турли-туман матн ҳосил қилиш имкониятларини таъминловчи омилларни тизимлаштириш, сўзлашув нутқи фразеологиясининг семантик-стилистик мақомини белгилашга оид ўтказилган таҳлил натижалари бўйича хулосалар "Немис тили лексикологияси", "Немис тили фразеологияси", "Таржима назарияси ва амалиёти", "Хорижий тил (немис тили)" каби фанларнинг назарий масалаларини бойитишда инобатга олинган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2020 йил 12-августдаги 1260/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижалар татбиқи юқорида кўрсатилган фанларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлиги, мазкур фанлар бўйича талабалар билимларининг ошиши ва ўқув материалларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастури 2014-2016 йилларга мўлжалланган Tempus Project 544161- TEMPUS-1-2013-1-UK-TEMPUS-JPCR Aston University DeTEL “Developing the Teaching of European Languages: Modernizing Language Teaching through the development of blended Masters Programmes” лойиҳаси доирасида ушбу тадқиқот бўйича эришилган натижалар ва ишлаб чиқилган тавсиялардан институтнинг ўқув жараёни ва халқаро лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 16- сентябрдаги 2056/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг немис тилида оғзаки нутқини ривожлантиришга, фразеологик бирликлар типологиясини, унинг функционал ва матн ҳосил қилиш фаоллигини ўрганишга хизмат қилган;

ҳозирги немис тили оғзаки нутқи тизимида фразеологик бирликларнинг семантик-дискурсив мақомининг турли тил тизимидаги оғзаки нутқ формулалари, уларни қўллаш вазиятлари, фразеологик бирликларни ўрганиш

бўйича хулосаларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом Самарқанд”, “Таълимдаги ислохатлар”, “Немис тили сабоқлари” кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. Немис тилидаги фразеологик бирлик контекстуал ва луғавий маъносининг турғун ва ўзгарувчан жиҳатлари ўртасидаги муносабатлар натижалари Самарқанд вилоят СТР телерадиокомпаниясининг “Китоб ва китобхонлик” ҳамда “Немис тилини ўрганамиз” кўрсатувларида эфирга узатилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021йил 20-сентябрдаги 01-11/490-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатувларнинг мазмун-мундарижаси янги манбалар воситасида тўлдирилиб илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда ўқувчиларнинг немис тили фразеологияси борасида базавий кўникмалари шаклланишига асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро, 21 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 56 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган хорижий нашрларда 4 та мақола, шу мақомдаги республика журналларида 16 та, бошқа хорижий ва маҳаллий нашрларда 35 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий қисми 258 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда илмий янгилиги асосланган, ишнинг асосий мақсади ва вазифалари таърифланган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти аниқланган, тадқиқотнинг ишчи фазисига таъриф берилган, асосий тадқиқот услублари кўрсатиб ўтилган, ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатларга таъриф берилган, тадқиқот материалларининг жорий қилиниши натижалари қайд этилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Сўзлашув нутқининг матнда воқеланиш тамойиллари**” деб номланади, унда оғзаки нутқни ўрганиш соҳасида тилшуносликда билдирилган фикрлар таҳлил қилиниб эришилган натижалар умумлаштирилган.

Борлиқни тил воситасида англаш қонуниятлари асосида нутқ актларини тизимлаштириш асосларини яратиш матн лингвистикаси ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.¹² Замоनावий тилшуносликда нутқ актлари назарияси уларнинг генезиси ва ривожига асосланади ва бунда улар нутқий фаолиятнинг перлокутив ва иллокутив босқичларини ўз ичига олади.¹³

¹² Иссерс О.С. Коммуникативные стратегии и тактики русской речи. - Омск: Эдиториал УРСС, 2002. -360 с

¹³ Searle J. R. Speech Acts. An Essay in the Philosophy of Language. - Cambridge: Cambr Univ Press 1999 -306 p.

Матн - тил ҳақидаги ахборотнинг муҳим манбаидир. Шу сабабдан ҳам замонавий назарий тилшунослик фани матнни конкрет лингвистик борлик, ҳодиса сифатида талқин этмоқда.¹⁴ Албатта, бу ўринда маълум маънода “ретроспекция” ҳолати ҳам кузатилади, яъни натижани таҳлил қилиш орқали ҳодисанинг сабабига, моҳиятига етиб боришга ҳаракат қилинади. Ёки бошқача қилиб айтганда, тилнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг ривожланиш ва фаолият кўрсатиш қонуниятлари аниқланади. Матн нутқий фаолиятда, нутқ жараёнида юзага келади. Демак, матн - бу нутқий фаолият маҳсулидир, у концептуал жиҳатдан ўз сабабига (яъни унинг асосида маълум ғоя - концепт ётади) ва коммуникатив жиҳатдан ўз йўналишига эга (у ёки бу мулоқот муҳитида юзага келади; айти пайтда у ахборот – мазмуний ва прагматик моҳиятга эга.¹⁵

Нутқ актларининг турли-туманлиги, мураккаблиги адресант (ахборот узатувчи) ҳамда адресат (ахборот қабул қилувчи) нуқтаи назари, мақсадларини назарда тутишни талаб қилади.

Матн яратиш учун, яъни ахборотни матн доирасида кодлаштириш ҳамда кейин уни мазкур коддан “чиқариш” (матнни тушуниш, тушунтириш, талқин қилиш) учун, бизнингча, ахборот тузилишининг уч компонентиға эътибор қаратиш лозим:

дескриптив бўлак (яъни баён қилинаётган ҳодисани оддий тасвирлаб бериш);

“борлиқни яратиш” бўлаги, яъни тасвирланаётган воқеаға суҳбатдошларнинг муносабати;

диалог, маълумки, тил мавжудлигининг энг содда кўринишидир. Оғзаки нутқ бу кўринишнинг бирламчи ҳодисаси сифатида тилнинг ижтимоий табиати, яъни мулоқот вазифаси билан боғлиқ.

Шу сабабдан, диалогик нутқ, монологик нутқдан, энг аввало, ишлатилаётган тил воситалари билан фарқ қиладики, бу воситалар мулоқот жараёнида сўзлашаётган кишилар ролларининг тез-тез алмашиб туриши билан боғлиқ. Бунда саволлар, ишлар, фикрни маъқуллаш, ёки маъқулламаслик, ҳайрат ва ҳоказолар билан боғлиқ тил структураларининг диалог тузилишидаги ўрни алоҳидадир.

Матннинг у ёки бу тури услубини таҳлил қилиш учун, энг аввало, унинг ўзига хос элементларини аниқлаштириб олиш лозим. Ўзига хос элементлар, дейилганда асарнинг структур-композицион тузилиши ва унинг лисоний таркибининг асосий туб бўлаклари тушунилади, уларсиз асар ўзига хослигини ва яхлитлигини йўқотади. Мазкур элементлар лингвистик воситаларнинг яхлит тизимини ташкил қилади.

Синтактик стилистика кейинги йилларда филологлар эътиборини ўзига тобора жалб қилмоқда. Индивидуал услублардаги синтактик

¹⁴ Болотнова Н. С. О некоторых особенностях и новых направлениях стилистических исследований художественной речи в конце XX в. // Русистика: Лингвистическая парадигма XX века. - СПб.: Изд-во С. - Петерб. гос. ун-та экономики и финансов. 1999. - 163 с.

¹⁵ Altmann H. Formen der "Herausstellung" im Deutschen. Rechtsversetzung, Linksversetzung, Freies Thema und verwandte Konstruktionen. Tübingen: Stauffenburg Verlag. 2008.- 348 S.

структураларнинг аниқ бадий мақсадлари ва услубий имкониятлари масалаларига қатор тадқиқотлар бағишланди.¹⁶

Грамматика ва услубиятнинг яқинлашуви ҳар иккала соҳа учун ҳам фойдали бўлиб, мазкур жараён айниқса абзац моҳиятига, унинг стилистик ўзига хослиги, табиатига бағишланган тақиқотларда намоён бўлмоқда. Бу ўринда ҳам грамматик стилистиканинг бошқа бўлимларида бўлганидек, нафақат грамматик шаклларнинг, балки ушбу ифода қандай юзага келаётгани тадқиқ қилинади.

Маълумки, ҳозирги замон немис тили баён услубида икки таркибли гаплар кенг тарқалган. Шу сабабдан ҳам икки таркибли гаплар ишлатилаётган матнда бир таркибли гапнинг пайдо бўлиши ўзига хос стилистик усул сифатида қабул қилинади. Бу эса матннинг бевосита мулоқат маҳсули сифатида ёки оддий сўзлашув матни кўринишида талқин қилинишига сабаб бўлади (чунки, бир таркибли гаплар бевосита жонли сўзлашув услубига хосдир). У ёки бу тил структураларини танлаш, албатта, муаллиф шахсий услуби билан боғлиқ ҳодисадир.

Шунингдек, ягона бир абзац доирасида бир неча бир таркибли гапларни ишлатиш ўзига хос услубдан, матннинг муайян турига хослигидан дарак бериб, нафақат абзац элементларини бир-бири билан бирлаштиради, балки алоҳида абзацларни ҳам ўзаро боғлайди. Айни пайтда, бундай йўл билан тагматнлар ҳам юзага келиши мумкин. Бир таркибли гаплар ахборотнинг сиқик тарзда берилишига ёки фаол ривожлантирилишига ҳам ёрдам беради.

Масалан:

Lärm. Johlen Wütendes Stimmengewirr. Emporgereckte Fäuste. Ein hoch erhobener Stock (Meinck Willi, 111).

Бир неча бир таркибли гаплар ёрдамида умумлаштирувчи характердаги, яъни бутун асар, ёхуд унинг маълум қисмига хотима ясовчи абзацлар яратилиши мумкин. Масалан:

Die schwarze Perle. Ilse. Sophienburg. Die Wahlen. Die Akademie. Besitz. Ruhm. Macht. Oskars Träume erfüllten sich so, daß ihn beinahe schwindelte (Feuchtwanger Lion, 158).

Бир таркибли гапларнинг абзацдаги вазифаси фақатгина уларнинг матндаги ўрнига эмас, балки абзацнинг ўзи оддий (моноструктурали) ёки мураккаб бўлишига ҳам боғлиқ. Ҳар иккала ҳолатда ҳам алоҳида, бир-биридан фарқ қилувчи композицион ҳамда экспрессив стилистик вазифалар биринчи ўринга чиқади.

Бир таркибли гапларнинг синтактик стилистик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш сўзсиз ўзини оқлайди. Зеро, ҳозирги вақтда немис адабиётида уларнинг салмоғи тобора ортиб бормоқда. Масалан, Базелернинг “Қирол боғида” деб номланувчи романида бир таркибли гаплар кўп ҳолларда бутун бир абзацларни ташкил қиладики, улар ёрдамида муаллиф ахборотнинг муҳимлигини таъкидлайди ёки вазиятнинг кескинлашувига эришади.

¹⁶ Gibbs R. W., Steen G. (Ed.). Metaphor in cognitive linguistics: Sei. papers from the Fifth Intern. cognitive linguistics conf., Amsterdam, 1997 Ed. by Gibbs. R.W. jr., Steen G. Amsterdam: Philadelphia Benjamins 1999.- VIII, 233 p.

Масалан:

1 Todtenberg legte seine Zigarette in den Aschenbecher. Die schneeweiße Spitze brach ab, aber er achtete nicht darauf. Er stand auf, reckte den kleinen Körper. Dann wurden seine Bewegungen weich, gleitend, fast anmutig. Auf dieses Alleinsein hatte Todtenberg gewartet. Jetzt konnte er sich ungestört dem Glück hingeben, einen außerordentlichen, nie erträumten Schatz zu betrachten. Dort war das Bild!

Ein echter Fragonard!

Das Bild stand, gegen die Wand gelehnt, auf einem rohrfeshlagenen Kabinenkoffer... (Diggelmann Walter Matthias, 83).

Диетер Нолль эса бундай услубдан фойдаланмайди. Унинг “Вернер Холтнинг бошидан кечирганлари” романида бир таркибли гаплар занжири орқали борлиқнинг турғун(статик) ёки ривожланаётган (динамик) қиёфаси яратилади. Масалан:

Grauer Himmel, rieselnder Regen Gefangene, Rücken an Rücken gelehnt, im Schlamm. Stille. Ein Posten jenseits des Stacheldrahtes wischte sich das triefende Gesicht (Noll Dieter, 538).

Диетер. Нолль асарларида бир таркибли гаплар занжири (аксарият ҳолларда бутун абзац бир таркибли гаплардан ташкил топади) лейтмотив яратиш учун хизмат қилади. Масалан:

Er ging die Allee entlang Schluß jetzt mit der Selbstzerfleischung! Ich denk nicht dran, mich selbst fertigzumachen! Auf einen imaginären Punkt schauen, dachte er, und vorwärts, marsch! (Noll Dieter, 330).

Holt warf den Rucksack über die Schulter. Der Stahlhelm klirrte gegen einen Stuhl. Auf einem imaginären Punkt schauen, dort, über der Tür, und: vorwärts, marsch! (Noll Dietr, 343-344)

Einen imagimären Punkt suchen, festklammern mit dem Blick... und vorwärts, marsch! (Noll Dieter, 501)

Er erhob sich Einen imaginären Punkt such, festhalten mit dem Blick... und vorwärts, marsch! Er lief gegen den Panzer... (Noll Dieter, 523).

Оғзаки нутқни, жумладан, немис тили оғзаки нутқини ўрганишнинг муҳим аспектларидан бири тадқиқотчининг “нутқ” тушунчасига нисбатан муносабати, унинг тил ва нутқ, ёзма ва оғзаки, сўзлашув ва диалогик нутқ тушунчаларини қандай талқин қилишидан иборатдир.

Масалан, “тил-бу яхлит система, нутқ эса мазкур система элементларининг коммуникация жараёнида ишлатилишидир” деган умумий таъриф билан чекланиб қолиш ҳам мумкин. Бу ҳолда “тил” ва “нутқ” тушунчаларига Г.Глинц ҳамда Ф.де Соссюр берган маънони юклашимиз мумкин (lingua ва parol). Г.Глинц ҳақли равишда таъкидлаганидек, тил ва нутқ бир-бирига боғлиқ ва тобе жараёнлар бўлиб, тил асосан маълум элементлар захирасидан ҳамда бу элементларни қўллаш бўйича муайян қолиплардан ташкил топади; нутқда эса мазкур элементлар бевосита ҳаракатга келиб, улар ёрдамида турли хил тузилмалар ясалади. Г.Глинцнинг яна бир фикрига қўшилмасдан иложимиз йўқ: тил бирлиги ҳамда нутқ

бирлиги ўртасида кескин чегара қўйишнинг иложи йўқ, зотан улар чамбарчас боғлиқ¹⁷.

Шундай қилиб, тил ва нутқ ягона ҳодисанинг икки томонини ташкил қилади ва улар муносабатлари кескин зиддиятга эга эмас, балки бир-бирларига тобеликка асосланади¹⁸. В.Н. Ярцева таъкидлаганидек, тилда ҳам парадигматик, ҳам синтагматик гуруҳ бирликлари мавжуд бўлса, нутқда фақат синтагматик бирликлар мавжуддир. Яъни, нутқда тил моделлари асосида кичик матн системалари вужудга келади¹⁹.

Оғзаки нутқни ташкиллаштирувчи тил воситалари орасида фразеология муҳим ўрин тутаяди. Турли кўринишдаги фразеологик бирликлар ишлатилмайдиган оғзаки нутқ ўта қуруқ ва ифодасиз бўлиб қолади. Шу сабабдан ҳам, оғзаки нутқда ишлатиладиган ФБларни тадқиқ этиш ҳозирги замон умумий ва амалий тилшунослиги учун муҳим аҳамият касб этади. Бунда, бизнингча, тадқиқот мантиқи қуйидагича бўлиши лозим: муаллиф ички дунёси - суҳбат мавзуси - аниқ матн. Бу шуни англатадики, индивидуал нутқни ўрганиш унда ишлатиладиган лисоний воситаларнинг яхлит ва боғлиқлигига асосланиши лозим.

Фразеологияни маълум система асосида ўрганишда унинг табиатига хос бўлган икки жиҳатни назарда тутиш лозим: биринчидан, муаян ФБнинг ички хусусиятлари (фразеошаклнинг турли вариантлари, парадигматик ўзгариш имкониятлари, фразеообраз яратишнинг ўзига хослиги, стилистик тавсиф экспрессивлиги ва ҳоказо), иккинчидан, ФБ нинг “атроф контексти” билан алоқаси бошқа турли хил турғун сўз бирикмаларга, умуман тил лексикасига мувофиқлиги.

Дарҳақиқат, фразеологик бирликлараро алоқалар синонимик, антонимик, деривацион ва ҳоказо алоқаларни ифодалаш орқали яққол намоён бўлади, бунда ўз рамзи, семантикаси, мавзуй ўхшашлиги, шунингдек, структур-композицион ўзига хослиги бўйича бир-бирига яқин ФБларни ҳам назарда тутиш лозим.

Сўзлашув фразеологиясининг икки вазифасини кўрсатиб ўтиш мумкин: 1) экспрессив баҳолаш ва 2) эмоционал баҳолаш. Биринчисида у ёки бу ҳодисанинг субъектив баҳоланиши кузатилади; иккинчисида сўзловчининг эмоционал ҳолати ифодаланади. Масалан, қуйидаги немис тили ФБлари учун баҳолаш вазифаси хосдир: *den Verstand verlieren* («ақлдан озмоқ»). *Das ist es ja eben! Da liegt der Hase im Pfeffer!* («ана шунақа»). Аксинча, бошқа турдаги ФБлар сўзловчининг эмоционал ҳолатига асосланади. Улар ёрдамида ифодаланаётган мазмун кўлами ғоятда кенгдир (алам, жаҳл ва б.).

Оғзаки нутқни тадқиқ қилишда сўзлашув нутқи фразеологияси ифодалаётган турли-туман баҳолаш ҳаракатларининг типологиясини аниқлаш муҳимдир. Бунда энг оддий модель асосида турли-туман ҳосила бирликлар юзага келади. Масалан, аксарият ҳолларда ФБлар қуйидаги

¹⁷ Glinz H. Die innere Form des Deutschen. Bern, 1991. -374 S.

¹⁸ Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. –Т.: Баёз, 2015. –Б. 52-93.

¹⁹ Ярцева В. Н. О соотношении языка и речи Язык- речь. -М., 1962. -С. 48 - 52

структура асосида ясалади S (Substantiv) - V (Verb). Бу модель турли хил кўринишларда учраши мумкин:

1.SV — das Herz lacht. 2. pSV - an die Hand gehen. 3. SpS, V - die Beine in die Hand nehmen. 4. pASV - an gebrochenem Herzen sterben. Немис тилидаги диалог учун типик бўлган қуйидаги фразеогурӯхга эътибор беринг, унда ФБлар тузилиш жиҳатидан-ўхшаш: vor den Kopf schlagen (pSV), vom Donner gerührt sein (pSV), krumme Sachen machen (ASV), zu Geld kommen(pSV), aus den Augen verlieren (pSV).

Умуман олганда, немис оғзаки нутқида ишлатиладиган фразеология учун маълум бир асосий сўз атрофида жипслашиш хосдир.

Шунинг учун мазкур асосий сўз семантик структурани ўрганиш, фаоллашаётган семаларни аниқлаш ҳамда уларга таъриф бериш муҳим вазифадир. Бу вазифа ФБлар фаоллашувининг контекстуал шароитларини ўрганиш орқали амалга оширилади. Масалан, қуйидаги фразеоуянинг фразеошаклларида die Stange (1. калтак; 2. чўп, 3. штанга) асос сўзнинг феъл (ёки феълдан предлог) куршови орқали ва ҳар бир алоҳида ҳолда фаоллашаётган семантик - образли хусусиятларга эътибор қилинг:

Eine		angeben	1.prahlen
Eine		Geld kosten	2.viel Geld kosten
Sich eine		einbilden	3. eingebildet sein
Von der	Stange	kaufen	4.in der Konfekteion kaufen
(j-n) bei der		halten	5.j-n von etw. nicht weichen lassen
bei der		bleiben	6.bei eigener Meinung bleiben

Диссертациянинг иккинчи боби “Сўзлашув нутқидаги фразеологик бирликлар типологияси” деб номланиб, унда сўзлашув нутқи фразеологиясини тизимлаштириш ва таснифлашнинг асосий тамойилларини белгилаш мақсади кўзланган. Ушбу мақсаднинг амалга оширилиши илмий изланишларни дискурс назарияси доирасида бажариш имконини беради. Немис тилидаги прозаик ва драматик матнларда қўлланаётган турли ФБларнинг семантик, структур ва стилистик функционал тавсифини типологик нуқтаи назардан ўрганиш мазкур тилдаги ФБлар захирасини мумкин қадар тўла ёритиш имконини беради. Диалогик контекстуал фаоллашиш даражасига кўра, қуйидаги ФБларни гуруҳларга бўлиш мумкин: субстантив, 8674-феълли-субстантив, 177-равишли, 568-қиёсий, 1635-турғун нутқ иборалари таҳлил учун танлаб олинган ФБларнинг умумий сони 1317 та бўлиб, улар немис тили фразеологик тизими меъёрий қоидалари доирасида ҳосил бўлган.

Албатта, оғзаки нутқда фаоллашадиган ФБлар орасида ўзга гуруҳга мансуб бирикмаларни учратиш мумкин. Аммо улар, умуман олганда, оғзаки нутқ учун хос эмас. Масалан, бундай ФБлар қаторида эскирган, маълум касбга оид, китобий, поэтик гуруҳларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар алоҳида шахсларнинг сўзлашиш услубини кўрсатади, холос. Биз эса ФБларни танлашда умумхалқ оғзаки нутқида кўпроқ қўлланадиган бирликларга эътибор қаратдик.

Немис тилидаги диалогик нутқда бири номинатив келишигида (C1), иккинчиси генитив келишигида ишлатилаётган (C2) отли ФБлар кўп учрайди. Масалан: *der Neid der Besitzlosen* ‘камбағалнинг ҳасади’; *der König der Lüfte* ‘бургут’; *der Kern der Sache* ‘моҳият (ишнинг), асосий хислат, моҳият’ ва бошқалар. Бу сингари ФБларга ҳам деривацион кенгайиш хос бўлиб, генитив орқали боғланган бундай субстантив-субстантив алоқалар барқарорлашади. Бунда ФБнинг кенгайиши генитив шакли орқали боғланган иккинчи отнинг сифатлашуви, яъни аниқловчи орттириши рўй беради: *eine Politik der freien Hand* ‘эркин ҳаракатлар сиёсати’; *ein Kavalier der alten Schule* ‘эскининг одами (асл одам), ўзини сипо ва назокат билан тутувчи одам’ ва бошқалар.

Оғаки нутқда қўлланилаётган отли ФБлар учун, энг аввало, тузилиш жиҳатидан соддалик хосдир²⁰. Бунга албатта, сўзлашув шароитининг бевосита кечиши, содда ва оддийлиги сабаб ҳамда оғзаки мулоқот муҳитида ахборотни иложи борича аниқроқ, соддароқ ва жумлалар бир маънога эга бўлишига ҳаракат қилинади.

Бошқача айтганда, коммуникант ўзи узатаётган ахборотнинг тушунарли бўлишига интилади. Агар бунга биринчи жумладаёқ эришилмаса, иккинчи, учинчи жумлаларга мурожаат қилинади. Немис тили оғзаки нутқда қўлланиладиган фразеологиянинг таҳлили бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Биз тўлиқ компонентли ФБларнинг оғзаки нутқда қўлланилишини таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги натижаларни кузатдик: битта тўлиқ компонентга эга (яъни битта от ва предлогдан ташкил топган) ФБларнинг сони 501 та бўлса, икки тўлиқ компонентли ФБлар 197 тани ташкил этади. Бунда, албатта, инкор маъносига эга ФБларни ҳам назарда тутиш лозимки, уларда мустақил компонент сифатида *kein* инкор сўзи иштирок этади: *keine Seele* ‘ҳеч ким’; *kein Schwanz* ‘Ҳеч бир зоғ, ҳеч бир ит’ ва бошқалар. (25 ФБ). *Nicht* компонентли ФБлар нисбатан камроқдир: *nicht die Spur*. Айни пайтда, бундай ФБларда *nicht* инкор сўзини бемалол *kein* сўзи билан алмаштириш мумкин: *nicht ein Schimmer* — *kein Schimmer* ‘мутлақо, ҳеч қанча’.

Оғзаки нутқда феълли фразеология гуруҳи, энг аввало, феълли компонентлар, ёхуд уларнинг ҳосилалари ҳисобига пайдо бўлган ФБлардан ташкил топган (масалан, инфинитивли конструкциялардан тузилган ФБлар): *j-d ist nicht zu beneiden* ‘ҳавас қилмасанг ҳам бўлади. Шунингдек, қуйидаги қолип асосида тузилган ФБларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин: ёрдамчи феъл + инфинитив ва *zu*: *etw. aufzuweisen haben* [ўз измида ниманидир тутмоқ, нимагадир эга бўлмоқ]; ёрдамчи феъл + сифатдош I ёки II: *mit etw. bepflostert sein* ‘босиб кетмоқ (ҳамма ерни)’; *nicht berauschend sein* ‘беш кетмаслик, ҳайрон қолмаслик’; модал феъл + инфинитив: *j-d läßt sich nicht belehren* ‘кимнидир ҳеч нарсага ишонтира олмаслик’. Бир феълнинг бошқа бир феъл

²⁰ Кузнецова Е. П. Фразеологические единицы со структурой предложения в русском и немецком языках: Автореф. дне. ... канд. филол. наук. - Майкоп. 2002. - 21 с.

инфинитив шакли билан кўшилуви ҳам кузатилади: *etw., j-d geht baden* [1. ”бирор нарса билан кули кўкка соврилмоқ” 2. “ҳеч вақосиз қолмоқ”].

Бундан ташқари, оғзаки дискурсда у ёки бу даражада кенгайтирилган предикативли гап бўлаги сифатидаги ФБлар ҳам катта салмоққа эга (бундай предикативли ФБларда субъект бўлмайди, ва улар мулоқот жараёнида тўлдирилади). Масалан, гапдаги турғун предикатив гуруҳлар намуналарини солиштирайлик: *etw. ist aus und vorbei* нимадир ортда қолди, ўтиб қолмоқ; *etw. ist nicht auszudenken* ‘ниманидир тасаввур ҳам қила олмаслик’: *bei j-m schlägt alles an* ‘ошиғи олчи бўлмоқ; кимнингдир иши доим ўнгидан келмоқ’.

Оғзаки дискурс фразеологиясида равиш ФБлар сони 177 та ва тенг тузилишига кўра улар 5 гуруҳга бўлинади:

Тенг боғловчили алоқага эга равиш ФБлар:

voll und ganz ‘тўлиғича’; *hin und wieder* ‘баъзи-баъзида’ (54 ФБ). Улар қуйидаги боғланишларда гуруҳлашади: а) бир хил сўзлар орқали - *durch und durch* ‘умуман, мутлақо’; *noch und noch* ‘1. кўплаб, кўп, тўлиб-тошиб; 2. ‘доимо, доимий равишда, ҳар доим’ (16 ФБ.) ва б) турли сўзлар орқали - *kurz und gut* ‘бир сўз билан айтганда, қисқасини айтганда, индаллосини айтганда’; *kurz und schmerzlos* ‘тез ва силлиқ, дарҳол’; *recht und schlecht* ‘ҳилла базур’ (43 ФБ).

Предлогли алоқаларга эга равиш ФБлар:

schwarz auf weiß ‘мутлақо аниқ ва равшан’; *alles in allem* ‘умуман олганда, умуман, бор-йўғи’ ва б. (11ФБ).

3. Nicht элементи қатнашадиган икки компонентли равиш ФБлар: *nicht groß* ‘унчалик эмас’; *nicht besonders* “бир нави” (14 ФБ).

4. Бошланишида предлог келувчи икки компонентли равиш ФБлар. *im ganzen* ‘бус-бутун, тўлиғича, бутунлай, ёппасига’; *im allgemeinen* ‘умуман, одатда’; *im besondern* ‘айниқса, баъзи ҳолларда’ ва бошқалар (61 ФБ). Бунда айнақса *in* и *von* предлогларининг фаоллиги кузатилади. *Von* предлоги билан ишлатиладиган ФБларни таққосланг: *von allein* ‘ўзи (биронинг ёрдамисиз, танҳо)’; *von fern* ‘четдан, холис, объектив’ ва бошқалар (10 ФБ).

Оғзаки нутқ фразеологияси ўхшатишларга, аниқ тасвирга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат диалог шароитида амалга ошириладиган оғзаки нутқда ҳам, албатта, яққол намоён бўлади.

Оғзаки нутқ фразеологиясида шунинг учун ҳам қиёсий ФБларнинг салмоғи катта. Бизнингча, қиёсий ФБларда инсоннинг ташқи дунёни, борлиқни образли англаш фаолияти ўз аксини топган. Шу сабабдан ҳам қиёсий ФБлар мулоқот жараёнида фақат “мантиқий ахборотни” узатишга хизмат қилиб қолмасдан, балки сўзловчининг ўзи кузатаётган ҳолатга муносабатини, эмоционал ҳолатини билдириб туради. Қиёсий ФБларда образлар кўлами шуқадар кенгки, уларни маъно жиҳатидан турли гуруҳларга бўлиш мумкин: миллий, муаллифга хос, услубий, жанрга хос, тарихий ва ҳоказо.

Қиёсий ФБларнинг шаклланиши, асосан, у ёки бу ҳодисани муайян тил вакиллари учун таниш бўлган маълум бирор нарса билан қиёслаш туфайли амалга ошади. Бунда улар қуйидаги асосий вазифаларни бажарадилар: 1)

хабардор килиш (ёки конститутив); 2) номлаш (номинатив); 3) умумлаштириш (ёки сигнификатив); 4) экспрессив-эмоционал таъсир кўрсатиш. Рамзий оғзаки нутқ компаратив фразеологияси учун айниқса, кейинги вазифа ўзига хосдир. Умуман олганда, қиёсий ФБлар аслида маълум даражада турғунлашган рамзлардир. Улар борлиқдаги турли нарсалар, ҳодисалар, вазиятларга нисбатан сўзловчининг муносабатини ифодалайдилар. Бу рамзлар қиёсий ФБлар орқали ифодаланар экан ҳам миллий, ҳам умуминсоний характерга эга бўлиши мумкин. Масалан, қуйидаги қиёсий ФБлар куч, қудратни ифодалайди: stark wie ein Bär ‘хўкиздай кучли’; (ein Kerl) wie ein Baum ‘баҳодир, барзанги’; жим турмоқ: stumm wie ein Hirsch ‘балиқдай гунг; кўрслик, кўполлик: frech wie Rotz жуда сурбет ва б. Айрим қиёсий ФБларнинг образли символикаси ҳозирги ҳаётимизда учрамайдиган эски тасаввурларни акс эттиради. Асосий мазмуннинг бундай йўқолиб кетиши ФБларнинг идиоматиклигини кучайтиради: süß wie die Sünde; heiß wie die Hölle.

Немис тили оғзаки нутқида турғун нутқ бирликлари ҳам жуда катта ўринни эгаллайди ва турли-туман семантик, модал-баҳоловчи ва экспрессив мазмунга эга бўлади. Немис тилида бу тарздаги оғзаки нутқ фразеологияси типологик нуқтаи назардан икки гуруҳга, яъни яхшилик ва ёмонлик тилаш гуруҳларига бўлинади (айни пайтда бу гуруҳлар ҳам янада кичикроқ гуруҳларга бўлиниши мумкин).

Олдинроқ айтилганидек, турғун нутқ бирликлар асосан феъл, от, сифат, олмош, равиш ва бошқа сўз туркумларининг фаоллиги асосида юзага келиб, тилда ўзига хос семантик-структур гуруҳларни ҳосил қилади. Шунингдек, предлоглар ҳам деривацион нуқтаи назардан жуда фаолдирлар.

Бундан ташқари, ўз семантик-структур белгисига кўра (масалан, қиёсий ФБлар) ёки функционал фаоллашувига кўра ажралиб турувчи ФБлар ҳам мавжуд.

Дискурс фаол кечадиган жараён бўлиб, тил бирликларининг, жумладан, ФБларнинг ҳам тезкор танланишини талаб қилади. Шунинг учун уларнинг танлови муайян шароитларни тақозо этади. ФБлар танловида уларнинг иложи борица қисқалиги ҳам катта роль ўйнайди. Масалан “предлог + от” тузилишига эга ФБлар нутқда жуда фаолдирлар. Бирок, айна пайтда иккинчи қонуният ҳам, яъни ФБлар танланишида қисқа ФБлар таркибининг кенгайиб бориши ҳам кузатилади. Оқибатда, масалан, предлог ва от ФБлар бошқа таркибдаги ФБлар ясалиши учун деривацион база, асос ролини ўйнайдилар (масалан, предлогли адъектив-субстантив бирикмаси), яъни бундай ФБлар таркибига энди сифат, олмош, сон сўз туркумига мансуб компонентлар ҳам киради. Дисертациянинг **“Фразеологик бирликларнинг сўзлашув контекстида ўзгарувчанлиги”** деб номланган учинчи боби беш қисмдан иборат бўлиб, унда фразеологик бирликларнинг оғзаки мулоқот муҳитида вариантлашув имкониятлари ҳамда ушбу вариантларнинг маълум коммуникатив вазиятларда фаоллашув даражаси таҳлил қилинган.

Оғзаки дискурс шароитида ФБлар компонент таркибининг қисқариш ҳолатлари кузатилади. Алоҳида ФБнинг ўзи ҳам тўлиқ, ҳам қисқа шаклларда учраши мумкин:

Brich dir nur keine Verzierung ab!, Brich dir nur keinen ab! ‘Ҳаддингдан ошма! Ўзингдан кетма!’; Wie ein Blitz, aus heiterm Himmel — wie aus heiteiem Himmel (Specht Joachim, S 127); Was gibt es Neues? - Was Neues? (Wohlgemuth Joachim.S. 27).

Бу тамойил энг аввало, ФБларнинг мустақил компонентларига таъсир кўрсатадики, оқибатда аниқ мазмуний марказга эга бўлмаган идиоматик структуралар вужудга келади: Der gibt aber eine Stange an! –Der gibt aber an! ‘Бунча катта кетмаса’. Шунингдек, фақат мустақил бўлақлар эмас, балки предлоглар ҳам тушиб қолиши мумкин: um Gottes willen — Gottes willen (Specht Joachim, S. 100).

Отли ФБларда қисқариш адъектив компонент тушиб қолиши эвазига амалга ошади: Guten Tag! - Tag! (Veken Karl. S 54).

ФБларда асосан семантик-мавзуй жихатдан ўхшаш бўлақлар бир-бирларини алмаштира оладилар. Масалан, бунда қуйидаги алмашишларни кузатишимиз мумкин: 1) субстантив компонентларнинг алмашиши: Der Teufel soll ihn holen в контексте: Die Satan soll ihn holen (Specht Joachim, S. 64); Bei Gott (Allah) (Specht Joachim, S 67, 69). Мазкур жараёнга субстантивлашган сифатлар ҳам тортилади: Da haben Sie Schönes (Nettes) angerichtet (Specht Joachim, 369);

Адвербиал бўлақларнинг алмашиши: j-m den Kopf warm (heiß) machen (Specht Joachim, S 105, 237);

Феъл компонентларининг алмашиши: j-m eine hinter die Ohren geben. (haben) (Specht Joachim, S. 77); frei (einfach) von der Leber weg sprechen (reden) (Wedding Alex S. 88); фразеологикнинг янги варианты асосан инкор маъносидаги сўзлар алмашиши ёрдамида ясалади: keine Spur — nicht die Spur (Uhse Vodo, S. 119).

ФБлар компонент таркибининг алмашинуви, эллипслашув жараёни билан бир қаторда, немис тилидаги бадий проза ва драма матнларида гаплар фразеологик қисмининг таркибий кенгайиши ҳам кузатилади. Бунда билдирилаётган фикрнинг янада аниқроқ ифодаланишига ҳаракат қилинади. ФБлар компонент таркибининг кенгайиши айниқса, субстантив адъективлашувида кузатилади: “Ich habe nicht ein einziges Auge zugemacht” (Wohlgemuth Joachim, S. 188); “Danke”, sagte sie, “haben wir den gleichen Weg?” (Specht Joachim, S. 129); “... Er hat ein hiebfestes Alibi” (Reinmann Brijitte, S. 266); “Sie haben ein lückenloses Alibi” (Schreyer Wolfgang, S. 118).

Айрим ҳолларда, ҳаттоки, ФБларнинг субстантив қисми бир эмас, балки икки адъектив қисм билан ҳам кенгайди: “Du hast ein unwahrscheinliches, unverdientes Glück” (Stade Martin, S. 148); “... Die Mutter hat ein treues, liebendes mütterliches Herz...” (Hoffmann Johanna, S. 62).

ФБ муайян системанинг бир элементи сифатида субъектив характерга эга. Чунки у мавҳумдир (яъни тилда у мавҳум бир элемент сифатида мавжуд

бўлади)²¹, бироқ нутқ жараёнида аниқлик касб этади. Шундан сўнг, у нафақат аниқ фикрни ифода этади, балки шу фикрга нисбатан муайян эмоционал муносабатни ҳам англатади. Бу ҳолат фақат нутқ жараёнида фаоллашади. Масалан:

Ein Pech hat der Krüger, dass er sich einsperren lassen muss... (Feuchtwanger Lion, S. 76).

Verfluchtes Pech, dass dieser Bursche gerade noch bei ihm abkratzen musste (Feuchtwanger Lion, S 694).

Wenn man im Pech sitzt, begehren die Weiber auf und “haben es immer gewisst”, das ist eine alte Geschichte (Feuchtwanger Lion, S/338).

Aber er wollte durchaus nicht, dass jetzt, wo er offensichtlich und auf lange Zeit hinaus im Pech sei, ein anderer sein Schicksal an das seine knüpfte (Feuchtwanger Lion, S. 113).

Sie hatte gehofft, dass die klaren Argumente des Anwalts mehr Eindruck auf Martin machen, ihn zu normalen Widerstand gegen sein blödes Pech bestimmen würden (Feuchtwanger Lion, S. 183).

Auch er, enbewusst gewiss, aber mit dem natürlichen Instinkt, sich von denen, die im Pech sind, fernzuhalten, verliess sie, nun ihre Rente bedroht war (Feuchtwanger Lion, S,293).

Kein Mensch kann sich da zurechtfinden, so irrsinnig verfilzt ist das alles. Da war Pech, da war Glück: wo war da Schuld? (Feuchtwanger Lion, S. 703).

Pech haben идиоматик иборасининг турли-туман вариантларидан ҳам кўриниб турибдики, муаллиф мазкур қисмга хос имкониятлардан иложи борица сермахсул фойдаланган. Равшанки, ФБ турли даражаларда “вариантлашган”: лексик, семантик, грамматик. А. Мартине ёзганидек, ҳар бир сўз ёки бўғин бир неча намунага эга бўлади. Бу намуналар “вариант” деб аталиб, улар ифода этаётган моҳиятлар эса “инвариантлар” деб номланади²².

Оғзаки нутқда ҳосил бўлаётган ФБ вариантларини синхрон-диахрон кесимда ўрганишга ҳам ҳаракат қилинди.

Мулоқот пайтида ҳосил бўлаётган ФБ вариантларини ўрганишда, бизнингча, тарихий ёндашув ижобий натижалар беради. Зотан, оғзаки дискурда ишлатилиш қонуниятлари тарихий нуқтаи назардан замонавий нутқ жараёнида юзага келаётган ФБ вариантларини ҳосил бўлиш жарёни билан таққосланиши мумкин. Масалан, бу ўринда немис мумтоз адабиётига мансуб матнларда ишлатилган ФБларни замонавий фразеологик луғатлардаги ФБ ларга солиштирсак, улар сўнгги 120-200 йил давомида сезиларли даражада ўзгарганини кўришимиз мумкин. Бундай қиёслаш бир қатор муҳим хулосалар чиқаришга ёрдам беради: 1) немис тилидаги ФБлар ядроси сақланади, яъни ФБларнинг асосий қисми узок муддат давомида ўзгармаган ва немис адабий тили фразеологиясининг асосий қатламини ташкил этади;

²¹ Демьянков В. З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания. М., 1994. –М., 4. С.4 7 – 33.

²² Мартине А. О книге «Основы лингвистической теории» Луи Ельмслева // Новое в лингвистике. Вып. 1. М.: ИИЛ, 1960, - С. 440 – 464.

2) ўзгарувчан катлам, яъни ФБлар турли вариантларда ўзгариши мумкин;

3) сўзловчининг ўзига хос бўлган услуби доирасида юзага келадиган ФБлар.

Драма матнларида учрайдиган ФБларни замонавий луғатлар билан солиштирганимизда кўпчилик ФБларга вариативлик хослиги аниқланди.

Масалан, ФБ таркибидаги феъл бошқа феъл билан алмашиши мумкин. Мазкур феълларнинг бир-бирини аламаштира олиш хусусияти уларнинг маънолари ўхшашлиги билан боғлиқ. Буни уларнинг сема таркибини солиштириш йўли билан ҳам аниқлашимиз мумкин. Масалан:

Abbitte tun узр, кечирим сўраш ўзгармас ҳолда қўлланади, масалан: Gianettino: Wenigstens werd ich nie daran denken, ohne / Ihnen von Herzen Abbitte zu tun /83, S. 272./. Бироқ ҳозирги замон немис тили нормаси ФБдаги tun феълнинг бошқа, семантик жиҳатдан якин leisten феълга алмаштиришга имкон беради. Масалан, луғатлар маълумотларини солиштиринг: “Abbittegeh. Bitte um Vergebung: fast nur in den Wendungen / A. leisten; (fußfällig, kniend, öffentlich) A. tun”, “Abbitte ... - leisten, - tun” кечирим сўраш”, „Abbitte tun / ёки leisten / юқори услуб, ‘узр сўраш’. tun ва leisten феъллари “қилиш”, “бажариш” семалари жиҳатидан ўхшаш.

Умуман олганда, фразеологик вариативлик оғзаки нутқда фразеологикнинг тўла ёки қисман ўзгариши ҳисобига ҳосил бўлувчи вариантлар кўринишида намоён бўлади. Биз турли структур кўринишларга эга ФБлар таркибида мазкур вариантларнинг 5106 ҳолатларда учрашини кузатдик. Айтиш лозимки, бунда ФБ таркибидан аксарият ҳолларда феълнинг тушиб қолиши кузатилади (23 19 ҳолат). Бошқа сўз туркумларига келсак, қуйидагилар аниқланди: 935 ҳолатда ФБ таркибидан субстантив, 758 ҳолатда - артикль, 726 ҳолатда адъектив, 311 ҳолатда - олмош ва, ниҳоят, 57 ҳолатда равиш тушиб қолиши кузатилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳодисага қарама-қарши ўлароқ, айрим вақтларда ФБ таркибидан у ёки бу қисмнинг тушиб қолиши эмас, аксинча ФБнинг бошқа қандайдир лексик компонентлар ҳисобига кенгайиш ҳодисаси ҳам мавжуд. Таҳлил қилинган матнлар таркибида биз 1272та шундай ФБларни кузатдик. Мазкур ФБларнинг айнан қандай компонентлар ҳисобига кенгайишини аниқлаштирадик, қуйидаги манзарага дуч келдик: 527 ҳолатда ФБ таркибининг кенгайиши адъектив, 361 ҳолатда юклама, 157 ҳолатда равиш, 104 ҳолатда феъл, 84 ҳолатда от, 39 ҳолатда предлог ҳисобига кенгайган.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Сўзлашув нутқи фразеологиясининг концептуал гуруҳланиши” деб номланган бўлиб, унда эътибор оғзаки нутқ фразеологиясининг семантик ва вазилавий кўрсаткичлар асосида тавсифлаш ва гуруҳларга ажратиш муаммосига қаратилган.

Оғзаки нутқ лексик-фразеологик таркибининг ривожланишида сўз ва фразеологик бирликларнинг муайян семантик майдон доирасида гуруҳлашиши ҳам катта роль ўйнайди. Бунда доминанта сифатида меҳнат, ҳаёт, севги, ўлим сингари концептлар қатншиши мумкин. Тадқиқотимиз

айниқса, оғзаки нутқда ўлим концептининг ўрни алоҳида эканлигини кўрсатди. Мазкур доминант атрофида гуруҳлашган лексик-фразеологик бирикмалар семантикасини аниқлаштириш мақсадида немис тили луғатларида 300га яқин сўз ҳамда 670га яқин фразеологик бириклар келтирилган.

Семантик-функционал таҳлилни амалга оширишда айниқса соматик фразеология катта аҳамият касб этади.

От-соматизм компонентида эга ФБлар оғзаки нутқ фразеологик тизимида алоҳида ўрин тутди. Ўрганилган матнларда уларнинг сони 468 та бўлиб, бунда асос сифатида 40 та соматизм – сўзлар иштирок этган. Бошқа ФБларга нисбатан соматизм от компонентли ФБлар оғзаки матнларда 5,37 % ни ташкил этади. Бундай ФБлардан ташқари немис тилидаги оғзаки мулоқот матнларига турли хил мураккаб сўзлар ҳам хос Angeshicht, Handschuh ва хоказо.

Агар соматизм от компонентли ФБларнинг ички тузилишига эътибор берадиган бўлсак, бу ерда алоҳида гуруҳчаларни ажратиш мумкин. Улар асосан 1/ инсоннинг бутун танаси: der Leib - 8/19, қиёсланг: und Leben ‘ҳаёт’ /85, S 10; W7; 2/ сезиш, ҳис этиш органлари: das Auge - 71/128; die Lippe - 2/3; das Mau! - 6/9; der Mund - 13/17; die Nase - 3/3; das Ohr - 15/21 / шунингдек, у билан бирга композитлар: Augenblick - 12/39; Luchsaugen; Falkenaugen), таққосланг: jmdm. nicht unter die Augen kommen ‘кимнингдир кўзига кўринмаслик’ /86, S. 111; St./; jmdm. aufs Maul schlagen соматик компонентлари қуйидагиларни англатувчи ФБларни қамраб олади:

2/ сезиш, ҳис этиш органлари: das Auge - 71/128; die Lippe - 2/3; das Mau! - 6/9; der Mund - 13/17; die Nase - 3/3; das Ohr - 15/21 /шунингдек, у билан бирга композитлар: Augenblick - 12/39; Luchsaugen; Falkenaugen), таққосланг: jmdm. nicht unter die Augen kommen ‘кимнингдир кўзига кўринмаслик’ /86, S. 111; St./; jmdm. aufs Maul schlagen “кимнидир жим бўлишга мажбур қилиш” /83, S 34;R./; 5/ тана аъзоларини: der Arm - 15/33; das Bein - 1; der Ellenbogen - 1; die Faust - 2/2; die Ferse -4/8; der Finger -3/4; der Fuß - 26/52; die Hand - 92/168; das Knie -7/13; die Zehe -1.

Структур жиҳатдан соматизм от компонентли ФБларнинг қуйидаги кўринишларини айтиб ўтиш мумкин:

1) соматизм от компонентли ФБларнинг ўзига хослиги шундаки, турли хил соматизмлар ФБ таркибида бир хил вазифани бажаради (вариантлик);

2) соматизм от компонентли ФБларнинг асосий қисмини феъл-от қолипидагилар ташкил қилади;

3) ФБ таркибида соматизмлар камдан-кам ҳоллардагина ўз бошланғич маъноларини сақлаб қоладилар, аксарият ҳолларда улар ФБлар таркибида мотивлашмаган компонентга айланадилар;

4) соматизм от компонентли айрим ФБлар оғзаки нутқда инсон руҳий ҳолатини ифодалайдилар (айниқса ўзига ишонч ҳиссини), қиёсланг: Ich fühle eine Armee in meiner Faust “энди мен ўзимни муштимда бутун бир армия бордек ҳис этаяпман” /қуйидаги маънода ишлатилади: мен ўзимда катта куч сезаяпман.

Немис тили оғзаки нутқида ФБларнинг турли даражада тизимлашуви хосдир. Шунинг учун, у ёки бу тилнинг маълум маънода ривожланганлик даражасини, ёки немис тили вакилининг гап, матн тузиш усулларини ўрганиш учун муайян лексик-семантик майдонни таҳлил қилиш муҳимдир.

Немис тилида оғзаки дискурс ривожланганлиги ва семантик дифференциаллашганлиги билан ажралиб туради. Масалан, “ўлим” доминантаси атрофида гуруҳлашган фразеологизмлар 670та ФБни ўз ичига олади: die Abberufung ‘...авф, ўлим, die Enthauptung ‘бошини олиш...’, die Hel ‘греч, миф. Гела (ўлим маъбудиди; ўликлар салтанати)’, die Sterbe ‘ўлат;’; 100 дан ортиқ феъл, м-н.: morden, töten ‘ўлдириш’, sterben ‘ўлмок’, ertrinken ‘чўкиб кетиш’; 40дан ортиқ сифат, масалан: tottaul ‘ўлик (ҳомила ҳақида) , verwichen ‘... шоир (ўлган одамга нисбатан)’ ва сифатдошлар билан келган 10 га яқин бирликлар, қиёсл.: “abgestorben”... юқори услубга мансуб’, gefallen ‘кўз юмган, ҳалок бўлган / ҳаром қотиб қолган ҳайвонлар ҳақида/’.

Немис тили оғзаки нутқида, шунингдек, маънони билвосита ифодаловчи турғун бирликлар ишлатилади. Масалан, эскирган “жаллод” касбини ифодаловчи компонентли бирикмалар der rote Meister; у ёки бу муассасани ифодаловчи номлар: die Fote Hand “черков, корпорация, ташкилот, жамият / мулкый муносабатлар доирасида ҳуқуқий шахс”; термин ёки географик ном - Totes Meer, toter Winkel /Raum/, toter Gang ёки касалликнинг, ўлатнинг метафорик номи: der schwarze Tod, das große Sterben ва бошқалар.

Дисертациянинг **“Сўзлашув нутқи фразеологиясининг матн ҳосил қилиш имкониятлари”** деб номланган бешинчи бобида оғзаки дискурсга оид фразеологизмларнинг матн деривациясидаги иштирокини таъминлайдиган омилларни аниқлаш муаммоси тадқиқ қилинган.

Оғзаки нутқда турли хил структурага эга мураккаб бўлмаган ФБлар кўпроқ қўлланилади: “Aber wart man, der wird noch Augen machen!..” (Bredel Willi, с. 30); “Nein, im Ernst! Sie werden die ganze Meute auf uns hetzen!” (Bredel, Willi, 116); “Schon lange schlagen wir 1 uns nur mit Ach und Krach durch und pumpen die Nachbarn an...” (Bredel Willi J. 540); “Ja, das trifft zu” (Bredel Willi, S. 92); “Er ist immer noch beim Gaswerk?” — “Ja, Gott sei Dank! (Bredel Willi, S. 209); “Sie hat noch ihr Mütchen gekühlt und sich selber schadlos gehalten, gelebt wie die Vlade im Speck, Feste gefeiert, Sieges leste!” (Panitz Eberhard, J. 39) ва бошқалар

Диалогик репликаларга қисқалик, узилиш ҳолатлари хосдир. Бунда мазкур тузилма кўп ҳолларда ягона ФБга тенг бўлиши мумкин. Қуйидаги реплика -ФБлар ишлатилиш ҳолларини қиёсланг:

“Daß Gottes Wille geschehe!” (Becher Ulrich, S. 30). Парцеллят вазифасида субстантив-феъл икки таркибли ФБлардан ҳам фойдаланилади.

Maulaffen feilhalten...” (Becher Johannes, S. 95). 2) Худди шу тарзда гипотаксиснинг эргаш гаплари ҳам фразеология билан бойийди: “... Ihnen kannst du immer alles schreiben, was du auf dem Herzen hast” (Becher Johannes 168). Агар ФБ ҳажм жиҳатидан бутун бир гапга тенг бўлмаса, одатда гапнинг охирида, мазмун жиҳатидан энг аҳамиятли бўлак сифатида келади: “Schämst

du dich nicht, wo wir mit der Großmutter alle Hände voll zu tun haben?“ (Becher Johannes, S. 225);

Немис тили оғзаки нутқида тўлиғича паремиялардан ташкил топган тузилмалар ҳам учрайди: “Früh übt sich, wer ein Meister werden will...” (Becher Johannes, S. 97); “Ein Unglück kommt selten allein...” (Becher Johannes, S.185); “... kommt Zeit, kommt Rat...” (Becher Johannes, S. 189) ва ҳакозо.

Оғзаки нутқда доимий тарзда қўлланиладиган ФБ ўзига хос моделлаштириш қонуниятларига эга. Хусусан, бунда предлоглар катта роль ўйнайди, масалан, ясалаётган ФБнинг моделига im предлоги сезиларли таъсир кўрсатади. im allgemeinen ‘умуман’ (Fontane Theodor, S. 58, 99, 82); im ganzen ‘умуман, умуман олганда’ (Fontane Theodor, S. 35); im übrigen ‘умуман’ (Bodenschatz Hans, с. 112); im besonderen ‘айниқса, хусусан’ (Fontane Theodor, S. 58) ва бошқалар.

Таҳлил кўрсатдики, ФБ лар диалогик нутқ матнида нутқий ҳаракатларни боғлаб туриш учун ҳам кенг қўлланади. Бунда у ёки бу ФБни танлаш, албатта, аввалги ва кейинги репликалар маъносига боғлиқ. Ёки бошқача қилиб айтганда, суҳбатдошлардан бирининг жавобида ФБ ишлатилиши аввалги луқма мазмунига боғлиқ бўлади. Яъни бунда сўзловчи ўз суҳбатдоши фикрига қўшилиши ёки қўшилмаслиги, эътироз билдириши ёки шубҳа қилиши мумкин.

Масалан, сўзловчи шахс ўз суҳбатдоши фикрига нисбатан салбий муносабатда бўлса, у кескин, суҳбатни тўхтатишга қаратилган ФБларни ишлатилиши мумкин. Бунда шу ФБлар аксарият ҳолларда тугал ва аниқ маънога эга бўлиб, гап мақомида ҳам келиши кузатилади. Масалан, бундай вазифада den Mund halten ФБсининг қўлланилишига эътибор беринг: ‘оғиздан «гуллаб» қўймаслик, тилга эҳтиёт бўлмоқ’: Tomas: Und dann bist du avanciert: doppelter Sold, Eintritt ins Waffenamt, das Ministerium - Beschaffungsprovisionen, Prozente von den Armeekantinen, zollfreie Autos aus den USA... Es hatte sich gelohnt. / General unwilli: Halt den Mund! Schluck’s hinter, nieß es damals, friß oder krepier! Dir bleibt das alles erspart, mein Junge. Mit dir meint man es gut (Schreyer Wolfgang, S. 18); General außer sich: Halt den Mund! Du hast uns alles verdorben! (Schreyer Wolfgang, S. 90).

Оғзаки нутқда кўп ҳолларда ФБлар такрор воситасида ҳам ишлатилиши мумкинки, бу матннинг семантик, синтактик-композицион нуқтаи назардан яхлитлигини таъминлайди²³. Бунга мисол тариқасида қуйидаги парчани келтирамиз: “Es handelt sich hier nicht um Moral, es handelt sich um Deutschland! Ich gebe Ihnen den guten Rat, meine Fragen wahrheitsgemäß zu beantworten!” / “Es tut mir leid, Herr Kommissar!” / “Es tut dir leid?” faucht wütend der Kommissar und schiebt seinen dicken Kopf ganz nahe vor Torstens Gesicht. "Es tut dir leid?" Ein blitzschneller Schlag trifft Torsten zwischen Nasenflügel und Oberlippe. Der taumelt überrumpelt zurück. “Es hat dir nichts leid

²³ Бондаренко Г.В. Распределение повторов в связном тексте как основа для обнаружения суперсинтаксических единиц // Научно-техническая информация. –Серия 2. –М., 2005. -№12. –С. 20-31.

zu tun, du hast zu antworten!” / “Ich sage von nun ab kein Wort mehr!” (Bredel Willi, S. 53).

Маълумки, гапларнинг синтактик ўзига хосликларини шакллантиришда фразеология катта роль ўйнайди. Масалан, феълли-отли гуруҳга мансуб ФБлар оғзаки нутқда аксарият ҳолларда маълум бир шаклий қолип вазифасини ўтайди.

Бунда гап асосан тўғри сўз тартибда қурилади ва унинг иккинчи ва охириги ўринларида фразеологик компонентлар туради, ораликда эса контекстда эркин мақомга эга сўзлар жойлашади. ФБларнинг бундай ишлатилиши немис оғзаки нутқи учун характерлидир. Масалан: zur Ruhe kommen ‘тинчимоқ, тинчланмоқ’ контекстда: “Antons Leiche kommt nicht zur Ruhe” (Strittmatter Erwin, S. 21); ФЕ (nicht) auf den Kopf gefallen sein ‘зеҳни тез, калласи яхши ишламоқ’ контекстда: “Franz, der Kobisch ist doch nicht auf den Kopf gefallen” (Seghers Anna, S. 15); ФЕ sich ein falsches Bild von etw. machen ‘нимадир тўғрисида тасаввурга эга бўлмоқ’ контекстда: “... Ich habe mein ganzes Leben schwer gearbeitet, obwohl viele, die das Metier nicht kennen, sich ein falsches Bild von unserer Arbeit machen” (Seghers Anna. S. 211).

Немис тили оғзаки нутқда қўлланадиган фразеология учун қуйидаги икки структур ўзига хосликни кўрсатиб ўтиш лозим:

Бир томондан, ФБларнинг аксарияти матн таркибига ўзгармаган, яъни мураккаблашмаган ҳолда тўғридан-тўғри қўшилади.

Иккинчи томондан, ФБлар имплицит ва эксплицит характерга эга ўзгаришларга учрайди. Оқибатда, ФБлар қисқариши (сўзлашувда нутқ воситаларининг тежалиши қонуниятига мувофиқ), ёхуд, кенгайиши мумкин (бунда нутқдаги тескари тенденция - нутқ воситаларининг ортиқчалиги кузатилади).

Гаплар тузилишида, реплика бошланишида турли қолиплашган сўз бирикмалардан фойдаланиш одат тусига кирган. Ушбу ҳолат диалог қисмларини боғлаш учун хизмат қилади. Жумладан, гап бошида келаётган сўз ёки сўз бирикмаси олдинги репликага сўзловчи билдираётган муносабат, баҳони ифодалайди.

ХУЛОСА

1. Замонавий немис тили сўзлашув нутқи фразеологияси (бадий асарлар статистик маълумотларига кўра) ФБларнинг таркиби ва гуруҳлари ўта ривожланганлиги билан ажралиб туради. Структур-семантик хусусиятларига кўра улар аксарият ҳолларда отли, от-феълли, равишли, шунингдек, қиёсий, оғзаки нутқ формулалари сингари гуруҳларга бўлинади. Уларнинг барчаси нутқ жараёнида жуда фаол қўлланади. Бошқа услубий қатламларга тегишли ФБлар эса (масалан, шеърий, юқори услубга тегишли ва бошқалар) диалогда унча кенг қўлланилмайди ҳамда уларнинг воқеланиши асосан сўзловчининг индивидуал услубидан дарак беради.

2. Диалогик нутқдаги аксарият ФБларнинг структур жиҳатдан шаклланишининг асосий белгиси сифатида фразеологикнинг қисқалигини,

ихчамлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу энг содда синтактик моделларнинг нутқ жараёнида ўта фаоллигида ҳам намоён бўлади. Бундай моделлар сифатида, масалан, предлог-субстантив моделларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар деривацион ҳамда функционал фаолликлари билан ажралиб турадилар.

3. Ихчам моделдаги ФБлар фаоллик кўрсатиш билан бир қаторда, диалогик нутқда яна бошқа ФБлар ташкил топиши учун деривацион асос ролини ҳам ўйнайди. Айрим ҳолларда бундай жараён аллақачон рўй берган бўлиб, янги ФБлар тил захирасида мустақил мақомни эгаллашга улгурган бўлсалар, бошқа ҳолларда «жонли» синтактик моделлар асосида янги ФБлар вужудга келаётганини кузатамиз, яъни бунда турғун тузилмалар контекстда янада ривожлантирилиб, «давом эттирилади». Жумладан, замонавий немис тилидаги диалог учун предлог-субстантив ФБларнинг адъективлашуви ёки ФБдаги ўзга структураларнинг субстантив бўлаklarининг ўзгариши кузатилади.

4. Немис тили диалогик нутқи фразеологиясининг таркибий жиҳатдан ихчамлигига бошқа йўллар билан ҳам эришилади, яъни улар от, предлог, боғловчи, сифат ва сонларнинг синтактик бирикмаларга айланиши билан ҳосил бўлади. Бундан ташқари, агар предлог-отли бирикмаларнинг моделлари фаол бўлса, унда қолганлари мутлақо танҳо учрайдиган ҳолатлардир. Бир ёки икки компонентли маҳсулдор фразеологик моделлар асосан махсус деривацион ҳаракатчанликни намоёйиш этадиган предлоглар ёрдамида (масалан, *in, von*) ҳосил бўлади.

5. Агар от фразеологик бирликларнинг предлог билан шакллантирилган моделлари кўпчилик таркибий қисмларнинг ўзгариши ва турли хил предлогларни танланиши билан ажралиб турадиган бўлса, унда сифат-от фразеологик бирликларнинг деривацион ҳосилавий фаоллиги семантик жиҳатдан фаолроқ сифатга ўтиш амалиётида намоён бўлади. Айнан мана шундай моделларнинг ФБ ядроси сезиларли даражада акс этади. Диалогик контекстда сифат таркибий қисмининг ўзгарувчанлиги мавжуд фразеологик бирликларни янгилашга мойилдир. Бундан ташқари, фойдаланиладиган вариантларни танлашни чеклаш ҳам қайд этилади. Шундай қилиб, кўп ҳолатларда, бир-бирини алмаштира оладиган таркибий қисмлар мавжуд бўлса-да, лекин катта ҳажмли контекстда, аниқ сўзлашув вазиятига нисбатан кўпроқ мос сифатлар танлови инкор қилинмайди.

6. Мулоқот вазияти фразеологик бирликларни танлашда ва уларнинг контекстда қайта воқеланишида маълум даражада таъсир ўтказди. Бундай таъсир янги таркибий қисмларнинг фразеошакл барқарорлашувида учрайди, натижада *an allen Enden, über alle Begriffe, unter aller Kanone, in aller Kürze* ва бошқа типдаги фразеологик уялар ривожланади. Бошқа структурага эга ФБлар ўз фразеошаклининг ихчамлиги билан ажралиб туради. Булар, моделлар асосида нафақат соф фразеологик бирликларни бирлаштирибгина қолмай, балки кўп сонли клишелар ёки синтактик жиҳатдан эркин конструкциялар мавжуд бўлган тавтологик фразеологик бирликларни ҳам қамраб олади.

7. Моделлаштириш сўзлашув нутқи фразеологияси тадқиқи учун ўта муҳим усулдир. Тадқиқотимизда ҳаммаси бўлиб 214та модель ҳамда 117та алоҳида тагмоделлар мавжудлигини аниқладик. Модель ФБ семантик-образли қисмининг барқарор сақланишига хизмат қилади ва айни пайтда ФБнинг қолган қисмлари сўзлашув вазиятига боғлиқ равишда анча эркин ўзгариши мумкин.

8. Диалогик нутққа хос бўлган фразеологик бирликларнинг турли хил моделларининг лексик-семантик жамлануви фразеоуялар шаклланишида катта роль уйнайди, бунда фразеологик бирликлар турли конкретлашиш даражаларини ифодалайди, аниқ мажозий доминантларга эга бўлади. Масалан, сифат-от моделидаги фразеологик бирликлар инсонни жисмоний ва психологик хусусиятлари кенг параметрлари бўйича тавсифлайди. Оғзаки нутқ формулалари умумий шаклланган семантик-образли доминантлари ва кўп сонли фразеоуялари билан ажралиб туради. Оғзаки нутқ формулалари шунингдек, диалогик нутқнинг бошқа бир қатор фразеологик бирликлари учун ҳам мулоқот вазиятига мос келадиган кучли боғлиқлик хосдир.

9. Оғзаки нутқ от фразеологиясининг кўплаб тизимли хусусиятлари бошқа структуравий фразеологик бирликларда, масалан, феъл фразеологик бирликлар таркибида ҳам мавжуд. Бу ерда маълумотларнинг тўлиқлиги, образли мазмуннинг аниқлиги, маълум бир мулоқот вазиятининг талабларига максимал яқинлашуви баъзи фразеологик бирликларнинг қўлланилиш миқдор даражаси, от ва феъл компонентларининг трансформацион янгиланиши орқали амалга оширилади. Сифат ва от таркибий қисмларининг ўзгарувчанлиги, авваламбор, фразеологик бирликлар ядро қисмининг семантик-стилистик ва модал-баҳолаш ўзгаришига мос келади, феъл таркибий қисмларининг алмашинуви эса иш-ҳаракат динамикасининг узатилишини таъминлашга қаратилган.

10. Оғзаки нутқ фразеологияси талқини тизимли изоҳланишида унинг изчиллиги икки планда ўрганилади: 1) алоҳида олинган фразеологик бирликнинг ички хусусиятлари (барча фразеошакл ўзгарувчанлик турлари, парадигматик ўзгарувчанлик амплитудаси, фразеообраз яратиш ўзига хослиги, стилистик хусусиятлар, экспрессив-модал таъсир ва бошқалар); 2) маълум бир фразеологик бирликнинг ўраб турган контекст билан алоқаси ҳамда, аниқ бир кўриб чиқиладиган фразеологик бирликнинг бошқа фразеологик бирликлар ва турғун сўз бирикмалари, шунингдек, тил луғат заҳираси билан ўзаро муносабатлари боғлиқлиги ҳисобга олиниши керак.

11. Нутқий мулоқот жараёнида ФБлар аксарият ҳолларда сўзловчининг ўзигагина хос индивидуал услубидан дарак беради ва буни фақат матн орқали тушуниб олиш мумкин. Масалан, бунга модал-баҳо маъносига эга ФБларни мисол қилиб кўрсатиб ўтиш мумкин (ҳазил, кулги, киноя, ишончсизлик, шубҳа, кесатик, менсимаслик, ҳайрон қолиш ва бошқа маънолар). Натижада, немис оғзаки дискурсида ишлатилаётган фразеология ҳаётий-маиший вазиятларнинг ҳаммасини таърифлаб беришга қодир.

12. Оғзаки нутқ контекстида ФБлар фаоллашувида учта асосий жиҳат аниқланди: бошланғич шаклда, яъни ҳеч бир ўзгаришсиз

(трансформацияларсиз) ҳамда имплицит шаклда ишлатилиш (яъни қисқарган ҳолда), ва ниҳоят, эксплицит (компонентлари кенгайган ҳолда) қўлланилиши.

13. Оғзаки нутқ фразеологияси ривожланган типологияга эга бўлиб, асосий структур-семантик гуруҳларга тегишли ФБларни қамраб олади. Фразеология дискурсив фаолиятни ўзига хос тарзда метафорик жиҳатдан бойитади, сўзловчига нутқ қурилиш материалларини ишлатиш имконини беради, айти пайтда мазкур жараёнда ФБларнинг деривацион фаоллиги ошади ва бу фразеошакллар такрорида, вариантлашувида, турли хил янги турғун сўз бирикмалари пайдо бўлиш жараёнида ҳамда уларнинг дискурс қўламидаги иштирокида яққол кўзга ташланади.

14. Оғзаки нутққа хосланган матнлар тилининг фразеологик воситалари, узатилаётган маълумотни қисмларга ажратиб, репликани жонлантиради, фикр юритишни фаол қўллаб-қувватлайди ва нутқий актда баённи янада ишонарли бўлишига ҳисса қўшади. Сўзлашув нутқи фразеологик бирликлари учун фикрни экспрессив шаклда ифода этиш хосдир. Фразеологик тасаввур ёки фикр-мулоҳазани, фикрнинг бир қисмини кенгайтирилган мураккаб кўринишда ифодалаб, у ёки бу воқеа, ҳодисаларга, кўринишларга тиниқ ва қисқа, лўнда шаклда баҳо бериш имконини беради. Мулоқот матнида фразеологик бирликлар нутқ функционал динамикасининг барча экспрессив,эмоционал-баҳолаш лаҳзаларини етказадиган ҳар хил баҳо белгиларини намоиш этади.

15. Фразеологик бирлик мулоқот матнининг турли хил таркибий қисмлари бадий-образли тузилишининг муҳим элементиدير. Шунинг билан бирга, фразеологик бирликлар сўзлашув нутқида номинатив-композицион мақсадларда ҳам қўлланилади. Матндаги тузилмалар (шунингдек иборалар, репликалар) фразеошаклнинг асосий қисмини фаоллаштиради. Контекст доминантлари, ҳар хил матн қисмларининг идиоматик бойитиш воситаси сифатида, мулоқот матнининг экспрессивлигини кучайтириш ва нутқий актларни фразеологик "жонлантириш" учун хизмат қилади. Фразеологик бирликлар такрори, монолог, диалог ва полилогларнинг таркибини бирлаштирувчи воситадир.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
PhD. 29.06.2019. Fil/Ped. 83.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

ЯХШИЕВ АШУР АБДИЕВИЧ

**СЕМАНТИКО-ДИСКУРСИВНЫЙ СТАТУС ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ
ЕДИНИЦ В СИСТЕМЕ НЕМЕЦКОЙ РАЗГОВОРНОЙ РЕЧИ**

10.00.04 – Языки и литература народов Европы, Америки и Австралии

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора филологических наук (DSc)**

Самарканд - 2021

Тема диссертации доктора филологических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером №B2018.1.DSc/Fil110.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета www.samdchti.uz и на информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Сафаров Шахриёр Сафарович доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Бушуй Татьяна Анатольевна, доктор филологических наук, профессор Умарходжаев Мухтар Ишанхаджаевич доктор филологических наук, профессор Садиков Зоҳид Якубжанович доктор филологических наук, (DSc), доцент
Ведущая организация:	Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится “___” _____ 20__ г. в ___ часов на заседании разового научного совета на основе научного совета PhD.29.06.2019. Fil/Ped. 83.01 по присуждению учёных степеней при Самаркандском государственном институте иностранных языков. Адрес: 140104, Самарканд, ул. Бустонсарой, д. 93. Тел.: (99866) 233-78-43; факс: (99866) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного института иностранных языков (зарегистрирована под №___). Адрес: 140104, Самарканд, ул. Бустонсарой, д. 93. Тел.: (99866) 233-78-43.

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 20__ г.
(реестр протокола рассылки № ___ от “___” _____ 20__ г.)

И.М.Тухтаинов
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, док. пед. наук, профессор

Ғ.Қ.Мирсанов
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, док. фил. наук, доцент

Н.З.Насруллаева
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, док. филол. наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Разработка новых подходов, направленных на решение таких сложнейших проблем, как функционирование словарных единиц в процессе речевого общения и текстопорождения является важной задачей мирового языкознания. В этом ракурсе фразеология становится одним из интенсивно развивающихся разделов лингвистической науки. Приоритетными направлениями в этой сфере является изучение свойств и способов образования фразеологических единиц, определение природы и статуса фразеологического содержания, исследование синонимических, антонимических, вариантных и других содержательных свойств фразеологизмов, анализ структуры и парадигматико-синтаксических отношений этих единиц, а также определение возможности их актуализации в текстах различных функциональных стилей. Однако еще достаточно проблем, требующих более пристального изучения и однозначных решений, в частности, определение коммуникативно-прагматических аспектов фразеологических единиц и выявление их коммуникативного потенциала, а также вопросы их моделирования в процессе речевой деятельности.

В настоящее время в мировом языкознании выявлена необходимость всестороннего анализа фразеологических единиц в плане их функционирования в различных регистрах письменной и устной речи, в которых проявляются специфические особенности национальных языков, в том числе и немецкого языка, разработки формально-семантических моделей фразеологизмов, как универсального языкового явления. Изучение структурно-семантических и когнитивно-дискурсивных особенностей фразеологизмов является одним из приоритетных направлений современной лингвистики. Кроме того, системное отражение всех лингвистических и социокультурных особенностей фразеологизмов и по сей день остаётся актуальной проблемой теоретического и прикладного языкознания.

Проводимые в нашей стране реформы приобрели большое значение для развития средств межъязыковой и межкультурной коммуникации. В данное время в узбекском языкознании, как во всех отраслях науки, происходят коренные положительные изменения. Особое внимание в сфере теоретического языкознания стало уделяться изучению функциональных характеристик лингвистических образований как научной базы совершенствования практических навыков при изучении иностранных языков. На основе приоритетов развития науки огромное внимание уделяется «... поощрению научных исследований и достижений инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения в практику достижений научной и инновационной деятельности».¹ Намеченные задачи в осуществлении этого процесса требуют тщательного анализа факторов формирования фразеологических конструкций в немецкой разговорной речи.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № VII – 4947 // Народное слово, 8 февраля. 2017 год

Достигнутые договоренности между Республикой Узбекистан и Германией открывают новые перспективы и направления взаимодействия в сфере науки и образования. В частности, особую значимость приобретают исследования, направленные на изучение дискурсивных и прагматических параметров процесса коммуникации.

Данная научно-исследовательская работа внесёт определённый вклад в решение задач, отмеченных в Указах Президента Республики Узбекистан от 8 декабря 2019 года № УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» и № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5850 от 21.10.2019 г. «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 10 декабря 2012 года № ПП-1875 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков», № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», а также в ряде других нормативно-правовых документах, касающихся данных видов деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан. 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.²

Изучение междисциплинарного и дискурсивного характера фразеологической системы, проводимое в ведущих научно-исследовательских центрах и высших образовательных учреждениях мира в теоретическом и практическом плане, привело к получению значимых научных результатов, в том числе в таких университетах, как

Cambridge University (Великобритания), Lancaster University (Великобритания), University of Edinburg (Великобритания), Barcelona University (Испания), University of Copenhagen (Дания), University of Edinburg (Шотландия), Ohio State University (США), Vrije Universiteit Brussel (Бельгия), University of Bern (Швейцария), Humboldt Universität Berlin (Германия), Freie Universität Berlin (Германия), Friedrich Schiller Universität Jena (Германия), Universität Leipzig (Германия), Московский государственный лингвистический университет, Московский государственный университет, Институт языкознания РАН (Россия),

² Сведения представлены на основании материалов веб-сайтов университетов <https://www.ca.ac.uk/>, <https://lancastersu.co.uk/>, <https://www.ub.edu/web/ub/en/>, <https://www.utoronto.ca/>, <https://www.niche.com/colleges/new-york-universitety/>, <https://www.vub.be/en/home>, <https://aku.edu.tr/anasayfa/eng/index.htm>, <https://www.ku.dk/english/>, <https://linguanet.ru/en/>, <https://uzbek.org.uk/usuwl/> <https://www.navoiy-uni.uz/en/site/index>

Узбекский государственный университет мировых языков, Национальный университет Узбекистана, Андижанский государственный университет, Самаркандский государственный институт иностранных языков (Узбекистан).

Изучен междисциплинарный характер дискурсологических исследований (Cambridge University), определены когнитивные, прагматические особенности использования ФЕ в процессе общения (Lancaster University, Goethe Universität Frankfurt am Main), выявлены особенности прагматических интенций дискурса (Barcelona University), рассмотрены социолингвистические аспекты формирования ФЕ (University of Toronto), обоснована необходимость изучения особенностей функционирования ФЕ в различных стилях (University of Copenhagen, Georg August Universität Göttingen), проанализированы лингвистические и экстралингвистические маркеры разговорной речи (Ohio State University), выявлены принципы критического дискурс-анализа (Vrije Universiteit Brussel, University of Bern), разработаны принципы отбора референта в процессе фразообразования (Oxford University), проанализирован семантико-стилистический аспект устного дискурса (Friedrich Schiller Universität Jena), рассмотрены фразеологические элементы в дискурсе (Johan Guttenberg Universität Mainz), определены прагматические установки в диалогическом дискурсе (Jamia Millia Islamia Central University, New Delhi), рассмотрены лингвокультурологические и стилистические аспекты фразеосистемы (Московский государственный лингвистический университет и Национальный университет Узбекистана), проанализированы особенности прагматической структуры и текстообразующий потенциал ФЕ (Московский государственный университет и Самаркандский государственный университет), рассмотрена взаимосвязь дискурса и языковой личности в свете антропоцентризма (Институт языкознания РАН), выявлены проблемы фразеографии (Андижанский государственный университет и Самаркандский государственный институт иностранных языков).

Степень изученности проблемы. Формирование фразеологии как лингвистической дисциплины изначально связано с именем швейцарского ученого Ш.Балли³. В развитии теории фразеологии существенной вклад внесли русские ученые В.В. Виноградов, Н.М. Шанский, А.М. Бабкин, И.И. Чернышева, А.В. Кунин, А.Д. Райхштейн⁴, немецкие лингвисты Г.Бургер, Е.Доналис, В.Флайшер⁵, а также ученые Узбекистана Ш.Рахматуллаев,

³ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. –М.: Эдиториал, 2001. -416 с.

⁴ Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке. –М.: Наука, 1974. –С. 340-364; Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. –М.: Учпедгиз, 1969. -315 ч.; Кунин А.В. курс фразеологии современного английского языка. –М.: Высшая школа, 1996. -115 с.; Бабкин А.М. Русская фразеология ее развитие и источники. Л.: Наука, 1970.-263 с.; Чернышева И.И.Фразеология современного немецкого языка.-М.: Высшая школа, 1970. -199 с.; Райхштейн А.Д. Сопоставительный анализ немецкой и русской фразеологии. –М.: Высшая школа, 1980. -143 с.

⁵ Burger H. Phraseologie: eine Einführung am Beispiel des deutschen. –Berlin: Schmidt, 1998. -334 S.; Donalies E. Basiswissen Deutsche Phraseologie. –Tübingen: Narr Francke Attempto Verlag, 2009. -301 S.; Fleischer W. Phraseologie der deutschen Gegenwartssprache. –Tübingen: Niemezer, 1997. -339 S.

М.Э. Умарходжаев, Л.И. Ройзензон, А.М. Бушуй, А.Э. Маматов, Б. Йулдашев и др.⁶.

Фразеология, как самостоятельная лингвистическая дисциплина, продолжает укреплять свои позиции в современном языкознании. В соответствии с дифференцированным подходом к фразеологическим объектам языка отмечается становление и успешное развитие таких областей фразеологической науки, как семантическая фразеология, также интенсивно изучаются принципы словарной репрезентации фразеологии⁷.

В современном языкознании ведутся исследования, посвященные проблемам национально-культурных и гендерных особенностей фразеологии, изучаются когнитивно-прагматические аспекты формирования устойчивых словесных комплексов⁸.

Одним из продуктивно разрабатываемых направлений современной фразеологии по праву следует считать анализ места ФЕ в разговорной речи (РР), роли ФЕ или УСК в разговорно маркированных текстах различного жанра (художественного, публицистического, научного, эпистолярного и др.), определение статуса фразеологии в лингвопрагматике⁹.

В результате интенсивного развития теории РР и фразеологической текстологии накапливается информация о текстопорождающих возможностях УСК, их стилистической природе, коммуникативной активности и т.п.¹⁰

Вместе с тем, дальнейшее развитие основных теоретических проблем фразеологии во многом тормозится из-за недостаточности данных о специфике употребления УСК в самых различных разговорно маркированных текстах. Причём от обследования фразеологии отдельных

⁶ Рахматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. –Т.: Фан, 1966. -131 б.; Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. –Т.: Фан, 1983. -133 с.; Ройзензон Л.И., Малиновский Е.А., Халотин А.Д. Очерки истории становления фразеологии как лингвистической дисциплины. –Самарканд, 1975. –С. 8-70; Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муамолари. –Т. Фан, 1991; Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеологиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. –Самарканд: СамДУ, 2013. -116 б.

⁷ Умарходжаев М.И. Очерки по современной фразеологии. –Т.: Фан, 1977. -103 с.; Умарходжаев М.И. Современные проблемы фразеологии // Вопросы языкознания. –М., 1979. №6. –С.48-55; Умарходжаев М.Э. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси. –анджон: АДТПИ, 2010. -150 б.; Бушуй И.А. Основы теории контрастной лексикографии (в ракурсе фразеологии). –Т.: Фан, 2001. –С.10-16; Современная фразеология: тенденции и инновации. (коллективная монография). –М. -Брянск: Новый проект, 2016. -200 с.

⁸ Dobrovolskij D., Pirainen E. E. Zur Theorie der Phraseologie: Kognitive und kulturelle Aspekte. –Tübingen: Skanffenberg, 2009. -298 S. Dureo P. Probleme der allgemeinen und kontrastiven Phraseologie. Am Beispiel Deutsch – Slowakisch. –Heidelberg: Gross, 1994. -294 S. Алафиренко Н.Ф. Когнитивно-прагматические потоки фразеосемиозиса. –М.: Флинта, 2018. -192 с.; Н.З.Насруллаева. Гендерные концепты в английской и узбекской фразеологии. –Т.: Фан ва технологиялар, 2018. -144 с.; Насиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провэрбал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари. Филол. Фанлари докт. Дисс. Авторефераты. –Т., 2016; Халиков М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине (на материале русского и узбекского языков). Автореф. Дисс ... канд. Филол. Наук. –Т., 1999.- 26 с.

⁹ Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. –М.: Языки русской культуры, 1996. -288 с.; Мальцева Д.Г. Страноведение через фразеологизмы (пособие по немецкому языку). –М.: Высшая школа, 1991. -172 с.; Kühn P. Pragmatische Phraseologie // Tendenzen der Phraseologieforschung. EUROPHRAS 92. –Bochum: Brommeyer, 1994. –S. 411-428.

¹⁰ Wotjak B. Verbale Phraseolexeme in System und Text. –Tübingen: Max Niemeyer, 1992. -278 S.; Faro K. , Hallsteindottir E. Neue theoretische und methodische Ansätze in der Phraseologieforschung // Linguistik online, 2006. 276. –S. 3-10. www.linguistik-online.de/ 27.06.

произведений или авторов настоятельно необходимо переходить к широкому анализу фразеологии в текстах достаточно большого объема, созданных различными авторами в рамках довольно значительного исторического периода¹¹.

Отмеченный выше подход к разработке фразеологии обуславливается еще и требованиями такой ведущей тенденции в развитии современного языкознания, как детальная разработка проблем человеческого фактора в речевой деятельности.

Однако изучение РР в свете функциональных свойств фразеологии до сих пор проводится крайне непоследовательно. А Между тем подобные данные представляют собой значительный интерес для развития коммуникативной лингвистики.

ФЕ языка обладают своеобразием прагматических особенностей. Сосредоточение внимания на данных реализации ФЕ в текстах определенного жанра или авторской принадлежности позволит получить объективные результаты, обогащающие, прежде всего, общую теорию языка.

Связь диссертационной работы с тематическими планами НИР.

Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Самаркандского государственного института иностранных языков «Когнитивное, прагматическое и социолингвистическое изучение дискурса».

